

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSс.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗИЯМУХАМЕДОВ ЖАСУР ТАШПУЛАТОВИЧ**

**ПУ СУНГЛИНГ НАСРИ ПОЭТИКАСИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УЎК:821.581  
КБК:84-4  
3-67

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc)  
по филологическим наукам**

**Content of Dissertation abstract of Doctor of Science (DSc)  
on philological sciences**

**Зиямухамедов Жасур Ташпулатович**

Пу Сунглинг насри поэтикаси ..... 3

**Зиямухамедов Жасур Ташпулатович**

Поэтика прозы Пу Сунлина ..... 33

**Ziyamukhamedov Jasur Tashpulatovich**

The poetics of Pu Sungling's prose ..... 65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 70

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSс.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗИЯМУХАМЕДОВ ЖАСУР ТАШПУЛАТОВИЧ**

**ПУ СУНГЛИНГ НАСРИ ПОЭТИКАСИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.DSc/Fil342 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.tsuos.uz](http://www.tsuos.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Мухтаров Темур Аскадович**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Муҳибова Ульпатхон Учқуновна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Каримов Баходир Нурметович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Насирова Саодат Абдуллаевна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru).)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М.Маннонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Р.А.Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

**Б.Тўхлиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон халқлари ижтимоий ҳаётида юз бераётган барча ўзгаришлар ва янгиликлар сўз санъати орқали адабиётда акс этиши билан бир қаторда, нафақат китобхон эътиборини қозонади, балки ўша жамият мафкураси ҳамда маънавиятига улкан таъсирини кўрсатади. Хитой адабиёти тарихидаги умуминсоний ғоялар, юксак маънавий-маърифий қадриятлар, гўзал ахлоқий фазилатлар асосида бадиий талқин этилган асарлар башарият маданий меросидан муносиб ўрин эгаллаган. Ўрта асрлар хитой адабиёти тарихида нафақат ғоялар ва концептлар, балки воқеликнинг асосий субъекти бўлмиш инсонни акс эттиришда, бадиий ифода усулларини такомиллаштиришда, янги жанрларнинг шаклланишида, сюжет чизиқларининг мураккаблашувида ҳам сифат ўзгаришлари юз берганлиги кузатилади. Ҳозирги кунда хитойшуносликда ўрта асрлар хитой адабиёти тарихидаги истеъдодли адибларининг ижоди ва поэтик ўзига хослиги, турфа услубий хусусиятларини ёритиб бериш тенденцияси етакчилик қилмоқда.

Дунё адабиётшунослигида хитой адабиётининг таниқли намояндаси Пу Сунглинг (蒲松齡, 1640-1715) адабий меросидаги ўн олти жилддан иборат «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» (聊齋志異) номли насрий асари поэтикасини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади ва шу билан бирга, асарнинг жанр хусусиятлари, ёзувчининг маънавий-эстетик қарашлари, тил хусусиятларини ўрганиш ҳам адабиётшуносликда ўрта асрлар хитой адабиётининг янги саҳифасини очишга хизмат қилади. Адиб ўз истеъдоди билан хитой адабиётида сеҳрли новелла жанрига асос солган ҳамда фольклор мотивлар асосида бадиий асар ёзиш соҳасида ўзига хос ноанъанавий услуб яратган. Бугунги кунда муаллифнинг «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» асарининг инглиз, француз, немис, италян, испан, дания, чех, рум, поляк, венгер, рус, латвия, ўзбек, тожик, қирғиз, рус, украин, япон, корейс, вьетнам ва мўғул тилларига ўгирилгани мазкур асарнинг нақадар оммабоп асар эканлигидан далолат беради. Хитой ҳалқининг маънавий отаси Мао Цзедун Пу Сунглинг ижодига «*яхши ёзилган ва ўқилиши лозим бўлган асар*»<sup>1</sup>, дея жуда юксак баҳо берган эди. Мазкур ёзувчи ижодини, хусусан насрий асарлари поэтикасини ўрганиш, аввало, ўрта асрлар хитой адабий муҳити, қолаверса, хитой халқининг ижтимоий ҳаёти, маданияти ва орзу-истаклари ҳақидаги тасавурларни очиб бериш учун имконият яратади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўзбек тилига ўгириш ва халқимизга етказиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича давлат буюртмалари бериш, уларни зарур нусхаларда юксак сифат билан нашр этиш ва молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш, китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва китоб маҳсулотларининг нархини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқиш чораларини

<sup>1</sup> <http://m.gzxijiya.com/zy011697726443343271247.html>

белгилаш»<sup>2</sup> борасида устувор вазифалар белгиланди. Ўтган йиллар мобайнида шарқ тилларидан кўпгина асарлар ўзбек тилига таржима қилинди. Жумладан, хитой адабиётининг таниқли намояндаларининг айрим асарлари ҳам ўзбек тилига таржима қилинди ва шу аснода ўзбек ўқувчилари таржималар орқали хитой адабиётининг бебаҳо намуналари билан танишиш имконига эга бўлдилар. Пу Сунглинг ҳаёти ва ижоди хитой адабиёти тарихидаги зиддиятли даврларга тўғри келгани боис, адибнинг «бадий асар ва реаллик», «ижодкор шахси ва жамият», «ижтимоий ҳаёт ва поэтик маҳорат» каби қатор умумназарий муаммоларни ойдинлаштиришда танлаган ўзгача моҳирона йўллари комплекс тадқиқ этиш тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йилнинг 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йилнинг 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», 2020 йилнинг 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомил-лаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376-сон «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 февралдаги 75-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори.

### Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.

Хитой мумтоз адабиётидаги насрий асарлар ва уларнинг поэтикасини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар, хусусан, Чинг даври адабиёти, Пу Сунглинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш масалалари жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан, ХХРдаги Пекин университети (北京大学), Донгбей педагогика университети (东北师范大学), Шангдунг университетининг Адабиёт факультети қошидаги «Ляо Жайни ўрганиш ва хитой романларини тадқиқ этиш маркази» (山东大学文学学院的«聊斋学与中国小说研究中心»), Нанжинг университети (南京大学), Шанхай университети (上海大学), Шанхай чет тиллар университети (上海外国语大学), Сичуан университетининг адабиёт ва янгиликлар институти (四川大学文学与新闻学院), Висконсин университети (АҚШ), Санкт-Петербург давлат университети, Қозон федерал университети, Россия Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти, Москва давлат университети қошидаги Осиё ва Африка мамлакатлари институти, Минтақавий ва халқаро тадқиқотлар Узоқ Шарқ федерал университетининг Шарқ институти (Россия Федерацияси), Қозок миллий университети (Қозоғистон Республикаси), Самарқанд давлат чет тиллар институти, Тошкент давлат шарқшунослик университети (Ўзбекистон Республикаси)да амалга оширилмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида Чинг даври хитой адабиётини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотларда бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий ютуқларга эришилган: ўрта асрлар адабиётида Чинг даври (清代文学小说) насрий асарлар туркумига кирувчи асарларнинг жанр хусусиятлари очиб берилган (Хитой Халқ Республикаси, Пекин ва Донгбей педагогика университетлари); ўрта асрларда яратилган новелла ва ҳикоя жанри сюжети ва тузилиши, персонажларнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳаёт воқелигига муносабат нуктаи назаридан уларнинг индивидуал хусусиятлари асослаб берилган (Нанжинг ва Шанхай чет тиллар университетлари); хитой мумтоз адабиётида юз берган жараёнлар, ўрта асрлар воқелигининг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган; «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» асарининг яратилиш тарихи, унинг ҳануз халқ эътиборини тортиб келаётгани сабаблари аниқланган, «Ляо Жай тадқиқотлари» билан боғлиқ хужжатлар, матнлар, минтақавий маданият ва мумтоз романларга хос манбаларни тиклаш ҳамда Ляо Жай асарларини қайта нашр этириш масалаларига асосий диққат қаратилган (Шангдунг университетининг Адабиёт факультети қошидаги «Ляо Жайни ўрганиш ва Хитой романларини тадқиқ этиш маркази» ва Санкт-Петербург давлат университети); хитой адабиётида Минг ва Чинг сулолалари ва улар билан

<sup>3</sup> Хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи қуйидаги интернет-заҳира манбалари асосида тайёрланган: <http://www.ziyouet.com/>, <http://www.dissercat.com/>, <http://www.scopus.com/>, <https://ru.wikipedia.org/>, <https://tsuos.uz/>, <http://vokrugsveta.ru/>, <http://www.mifolog.ru/>, <https://www.pku.edu.cn/>, <http://www.shisu.edu.cn/>, <https://www.liuhua.org.my/university/northeast-normal-university.html>, <https://lj.scu.edu.cn/xzgl/xyxw/14.htm>, [www.runivers.ru/lib/book6200](http://www.runivers.ru/lib/book6200), <http://www.bfsu.edu.cn>, <http://www.fudan.edu.cn>, <http://www.shnu.edu.cn>, <http://www.ivran.ru>, <http://www.spbu.ru>, <https://www.wisc.edu/visit/>, <http://www.vumo.mil.ru>, <http://www.samdchti.uz>, <http://www.linguistics-journal.com>>a-c, <http://www.casseng.cssn.cn>, <http://www.chinese-learning.cn>, <https://www.dvfu.ru/>.

боғлиқ метафизик олам ҳамда шакли ўзгарувчан мавжудотлар тасвири тадқиқ этилган (Висконсин университети); чуаньчи (传奇) жанри хусусиятлари муҳокама қилинган; сеҳрли новелланинг сюжети, унинг тузилиши таҳлил этилган; воқеаларни баён этиш ва образларни тавсифлашга бўлган илмий ёндашув бойитилган (Тошкент давлат шарқшунослик университети).

Жаҳон адабиётшунослигида хитой адабиёти тарихидаги Чинг даври адабий муҳити ҳамда Пу Сунглинг асарларини ўрганиш соҳасида қуйидаги устувор йўналишлар бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда: XVII–XIX асрлар хитой адабиётидаги жараёнлар, уларга конфуцийлик, даосийлик ва буддавийлик диний-фалсафий таълимотлар таъсирини тадқиқ қилиш; сеҳрли новелла туркумига кирувчи асарлардаги образларнинг ижтимоий-маънавий қиёфасини акс эттириш, уларнинг жанр ва услубий хусусиятлари каби концептуал тамойилларни ўрганиш ва тавсифлаш; Пу Сунглинг насрий асарларининг бошқа тилларга таржималари ва улар билан боғлиқ муаммолар, мазкур туркумга кирувчи асарларда насрий воқеликни унинг барча зиддиятлари ва салбий ҳодисалари билан бирга ифодалаш имконини берадиган халқ оғзаки ижоди анъаналарининг таъсирини асослаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XVI–XVIII асрлар хитой адабиётини ўрганиш борасида жаҳон адабиётшунос олимлари қатор ишларни амалга оширдилар. Хусусан, ХХРда мамлакат тарихидаги «Чинг» даврида яратилган романлар поэтикаси ва уларнинг қиёсий тадқиқи ҳамда библиографияси билан боғлиқ бир қанча монографиялар яратилган<sup>4</sup>. Пу Сунглинг ижоди билан боғлиқ тадқиқотлар дунё олимлари томонидан бажарилди. ХХРда Чэнь Бинсининг «Ляо Жай муҳити» номли монографиясида «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» асарини таништириш, тавсифлаш билан бирга маданиятга доир фикрлар баёни устуворлик қилади<sup>5</sup>. Охириги изланишлардан бири Ванг Лингнинг «Пу Сунглинг ва «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари»ни ўрганиш» номли монографик тадқиқотидир<sup>6</sup>. Ушбу тадқиқотда такрор бўлса-да, Пу Сунглинг ҳаётдан маълумотлар ва хитой фольклори элементлари, «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» билан халқ маданияти ўртасидаги муносабатлар ёритилган. Хитойда Пу Сунглинг хитой тиббиётининг нозик жиҳатларини билувчи табиб сифатида ҳам ўрганилган<sup>7</sup>. Луо Хуйнинг диссертациясида Ляо Жай асарларида арвоҳлар ва уларнинг феминизацияланган тасвирларининг берилиши, арвоҳ образининг келиб чиқиши ва унинг трансформацияси масалалари тадқиқ қилинган<sup>8</sup>.

<sup>4</sup>黃清泉等.明清小說的藝術世界.台北:洪葉文化事業有限公司,1995年.;沈伯俊.明清小说比较研究.四川大学出版社.1996年.;王瓊玲.清代四大才學小說.台北:商務印書館,1997年.;王瓊玲.清代四大才學小說.台北:商務印書館,1997年.;辜美高、李金生編.中國明清通俗小說書目提要.新加坡:新加坡國立大學,1998年.

<sup>5</sup>陈炳熙.《聊斋境界》湖南美术出版社.2003年.

<sup>6</sup>汪玢玲.《蒲松齡与《聊斋志异》研究》.中华书局出版社.2015年.

<sup>7</sup>饶术成.诗医蒲松齡《祝您健康》.2003年,第10期.52-52页.

<sup>8</sup> Luo Hui. The Ghost of Liaozhai: Pu Songling's Ghostlore and Its History of Reception. Doctor of Philosophy. – Toronto: Department of East Asian Studies University of Toronto, 2009.



Бу соҳада рус олимларнинг ҳам қатор асарлари мавжуд. Россиялик олимлардан В.М.Алексеев<sup>9</sup>, Л.К.Павловская<sup>10</sup>, Е.М.Мелетинский<sup>11</sup>, Н.И.Конрад<sup>12</sup>, О.Л.Фишман<sup>13</sup>, К.И.Голигина<sup>14</sup>, П.М.Устин<sup>15</sup>, И.С.Лисевич<sup>16</sup>, А.Г.Сторожук<sup>17</sup> ва В.Семанов<sup>18</sup> ларнинг тадқиқотларида ўрта асрлар хитой адабиёти, хусусан, Чинг даври адабиёти ва Пу Сунглинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва асарларини таржима қилиш, поэтикаси таҳлили муайян даражада бажарилган. Ю.А.Ершованинг «Хитойча сўнги прозаик эртак ва китобий новелла» диссертациясида хитой насрий ривоятларини ўрганиш, хитой адабиёти мисолида оғзаки ва ёзма адабиёт анъаналарининг ўзаро таъсири масалалари тадқиқ этилган<sup>19</sup>. Бизнинг тадқиқотимизда мавзу билан боғлиқ фикрлар баён этилган россиялик олимларнинг айрим илмий мақолалари ҳам таҳлилга тортилади. Уларнинг кўпида собиқ шўро мафқурасига айнан мослаштирилган ёки уларнинг тарғиботига хизмат қилган бўлиб, уларда ижтимоий муаммолар баёни устуворлик қилади. Европалик олимлардан германиялик хитойшунос В. Грубе<sup>20</sup>, чехиялик олим Я.Прюшек<sup>21</sup>, латвиялик П.Шмидт<sup>22</sup> лар Пу Сунглинг асарлари таржимаси билан шуғулланганлар. Аммо, адиб ҳикоялари бадиияти масаласига жуда кам тўхталганлар. Американинг Лос Анжелес шаҳридаги Помона коллежи доктори Allan H. Barr<sup>23</sup> ҳам ўз таржималари орқали Ляо Жайни ўз мамлакатига танитди. Чанг Чуншу<sup>24</sup> томонидан инглиз тилида «Тарихни қайта аниқлаш: Пу Сунглинг дунёсидаги арвоҳлар, руҳлар ва инсоният жамияти, 1640-1715» монографияси эълон

<sup>9</sup>Ляо-Чжай. Лисьи чары / Пер. с кит. В.М.Алексеева. – Петроград: Всемирная литература, 1922; Ляо-Чжай. Монахи-волшебники / Пер. с кит. В.М. Алексеева. – Петроград: ОГИЗ, 1923: ил. – (Всемирная литература); Ляо-Чжай. Странные истории / Пер. с кит. В.М.Алексеева. – Л.: ОГИЗ, 1928; Ляо-Чжай. Рассказы о людях необычайных / Пер. с кит. В.М.Алексеева. – М.: Изд-во АН СССР, 1937.

<sup>10</sup>Заново составленное пинхуа по истории Пяти династий / Пер. с кит., исслед. и коммент. Л.К.Павловской. Ответственный редактор Л.Н.Меньшиков. – М.: Наука, ГРВЛ, 1984.

<sup>11</sup>Мелетинский Е.М. Историческая поэтика новеллы. – М.: Наука, 1990.

<sup>12</sup>Конрад Н.И. Избранные труды: Синология. – М.: Наука, 1977.; *ўша муаллиф*. Избранные труды. Литература и театр. М.: Наука, 1978.

<sup>13</sup>Фишман О. Три китайских новеллиста XVII – XVIII вв.: Пу Сун-лин, Цзи Юн, Юан Мей. – М., 1980.

<sup>14</sup>Гольгина К.И.Новелла средневекового Китая: истоки сюжетов и их эволюция VIII–XIV вв. – М.: Наука, 1980.; *ўша муаллиф*. Духовная культура Китая: энциклопедия: в 5 т. / Гл. ред. М.Л.Титаренко. – М.: Вост.лит., 2006.

<sup>15</sup>Устин П.М. Пу Сунглинг и его новеллы. – М.: Изд-во МГУ, 1981.

<sup>16</sup>Лисевич И.С. Литературная мысль Китая на рубеже древности и средних веков / Отв. ред. Л.З.Эйдлин. – М.: Наука, 1979.

<sup>17</sup>Сторожук А.Г. Физические вместилища сознания: идейно-философские предпосылки новеллы Пу Сун-лина «Прокурор Лу» / Россия–Китай: история и культура: Сб. статей и докл. участников XII междунар. науч.-практ. конф. – Казань: Фэн, 2019. – С.464-470; *ўша муаллиф*. «Неправильные» покойники и полудемоны в цинских фантастических новеллах: на примере сборника Пу Сун-лина «Ляо Чжай чжи и» / Россия-Китай: история и культура: сборник статей и докладов участников XIII Международной научно-практической конференции. – Казань: Фэн, 2020. – С.160-167.; *ўша муаллиф*. Новелла Пу Сун-лина «Беседы зрачков» // Вестник НГУ. Серия: История, филология, 2021. Т.20, №4: Востоковедение. – С.135-144.

<sup>18</sup>Семанов В. Становление новеллы в Китае // Вопросы литературы, 1985. №1. – С.247-251.

<sup>19</sup>Ершова Ю.А. Китайский поздний прозаический сказ и книжная новелла: диссертация ... кандидата филологических наук. – Москва, 2014.

<sup>20</sup>Грубе В. Духовная культура Китая. – М.:Брокгауз и Ефрон, 1912.

<sup>21</sup>Průšek J. P'u Sung-ling and His Work /Chinese History and Literature. – Springer: Dordrecht, 1970. –P.109-138.

<sup>22</sup>Китайские классические книги// Известия Восточного института. Т. II. Вып. III. – Владивосток, 1901.

<sup>23</sup>Barr A. Pu Songling and the Qing Examination System /Late Imperial China. – 1986. – Т.7. №.1. – P. 87-111.

<sup>24</sup>Chun-shu Chang. Redefining History: Ghosts, Spirits, and Human Society in P'u Sung-ling's World, 1640-1715. – The University of Michigan Press, 1998.

қилинди. Ушбу монографияда ҳам «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» асарида арвоҳлар ва тулқилар ўртасидаги муносабат масаласини ёритиб берилиши, муҳаббат беғуборлигининг тараннум этилиши, ҳокимиятдан норозилик кайфиятининг берилиши, император имтиҳони масаласига танқидий муносабат, ҳафсаласи пир бўлган инсоннинг ички ҳис-туйғулари каби масалалар таҳлил қилинади.

Ўзбекистонда Пу Сунглинг ижоди билан асосан ушбу тадқиқот муаллифи шуғулланди<sup>25</sup>. Мавжуд илмий тадқиқотларнинг турли-туманлигига қарамай, хитой адабиётида Ляо Жай идеостили масаласи, Пу Сунглинг насри поэтикаси, айнан «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» (聊斋志异 «Liáozhāi zhì yì») асарининг бадиияти етарли ўрганилмаган ва баҳоланмаган. Мазкур тадқиқот ишида Пу Сунглинг ижодини ўрганишга оид мавжуд тадқиқотларда очиқ қолдирилган саҳифалар тўлдирилди, Ляо Жайнинг Чинг даври адабиёти ривожига ва, умуман, хитой адабиёти ривожига тутган ўрни чуқурроқ очиқ берилди. Мавзунини ёритишда хорижлик олимлар ишлари билан бир қаторда, ўзбек шарқшунос, адабиётшунос олимлари Р.Ходжаева<sup>26</sup>, А.Маннонов<sup>27</sup>, Т.Мухтаров<sup>28</sup>, У.Муҳибова<sup>29</sup>, Д.Қуронов<sup>30</sup>, Г.Халлиева<sup>31</sup>, У.Сайдазимова<sup>32</sup>, Д.Муҳиддинова<sup>33</sup> кабиларнинг поэтикага оид фикрлари ва адабий-назарий қарашларига асосланилди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Шарқ мамлакатлари адабиётшунослиги ва адабий манбашунослигининг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий йўналиш доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўрта асрлар хитой адабиётининг ижтимоий-тарихий муҳитдаги адабий ҳодисалар билан уйғунликда Пу Сунглинг насри поэтикасини ҳамда ёзувчи ижоди хитой адабиётининг кейинги даврлари ривожига қўшган ҳиссасини очиқ беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўрта асрлар Хитой адабий муҳитига хос хусусиятларни очиқ бериш;

<sup>25</sup> Зиямухамедов Ж. Пу Сунглингнинг сеҳрли новеллалари (сюжетнинг келиб чиқиши ва ривожланиш масалалари): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2005; *шу муаллиф*. Пу Сунглинг ва ўрта аср хитой новеллалари: монография. – Тошкент: Чўлпон номидаги НМИУ, 2016 ва б.

<sup>26</sup>Ходжаева Р. Мумтоз араб адабиёти жанрлари тизими ва типологияси. – Тошкент: ТДШИ, 2015.

<sup>27</sup> Маннонов А. Афғон халқ оғзаки ижодиёти (жанрлар тизими ва бадиият масалалари). – Тошкент: «EFFECT-D», 2021.

<sup>28</sup>Мухтаров Т.А. Новелла в классической арабской литературе. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2002; Мухтаров Т., Муталова Г. Арабская литература на пороге средневековья. Историко-филологическое исследование. – Ташкент: ТГУВ, 2020.

<sup>29</sup> Муҳибова У., Абдурахмонова М. Бобурийлар даври адабиёти (ҳинди ва урду тилларидаги адабий мерос). – Тошкент, 2018.

<sup>30</sup> Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: «Шарқ», 2004.

<sup>31</sup> Халлиева Г. Қиёсий адабиётшунослик: (иккинчи тўлдирилган нашр) ўқув қўлланма. – Тошкент: «Мумтоз сўз», 2020.

<sup>32</sup> Сайдазимова У. XVII–XVIII асрлар корейс насрининг маънавий-эстетик концепциялари: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2018.

<sup>33</sup> Муҳиддинова Д. XX аср араб янги ҳикоячилигининг шаклланиши ва ривожланиши: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2017.

Чинг сулоласи даври бадий асарлар услубини ҳамда хитой адабиётшунослигида пайдо бўлган «оммабоп адабиёт» тушунчасини аниқлаш;

Пу Сунглинг ижоди тадқиқи, асарларининг таржималарига филологик баҳо бериш;

Пу Сунглинг яшаган давр зиддиятлари ва адибга замондош ижодкорларнинг хитой адабиёти тарихидаги ўрнини асослаш;

Пу Сунглинг ижодий меросини ўрта асрлар хитой адабий анъаналарининг мумтоз намунаси ва янгиланган адабий ҳодиса сифатида тадқиқ этиш;

«Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» тўплами мисолида Пу Сунглинг бадий маҳорати, мажозий услубига хос жиҳатларини аниқлаш;

Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари»даги ҳикояларнинг бадий тасвир воситаларини тавсифлаш;

Пу Сунглинг ҳикоялари сюжет ва композициясини ёритиб бериш;

Пу Сунглинг ҳикояларида тасвирланган давр жамиятида инсон қадри ва турли касб эгалари ҳаётининг бадий талқинини очиб бериш;

адиб асарларидаги конфуцийлик, буддавийлик ва даосийлик мотивларини аниқлаш;

Пу Сунглинг ҳикояларига хос миллий анъана ҳамда новаторликни кўрсатиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** Пу Сунглингнинг Сунг Тонгхай муҳаррирлиги остида нашр этилган «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» тўлиқ асарлар тўплами» (孙通海.聊斋志异故事集.-北京: 学苑出版社, 2001. 1198 页.)<sup>34</sup> (асосий манба) ҳамда Шэн Вэй муҳаррирлиги остида нашрга тайёрланган «Пу Сунглингнинг тўлиқ асарлари тўплами.» (蒲松龄全集.盛偉編.上海: 学林出版社, 1998. 1-3. 3470 页.) (қўшимча манба) ташкил этади<sup>35</sup>.

**Тадқиқотнинг предмети** Пу Сунглингнинг бадий маҳорати, бадий тасвир воситаларини ифодалаш ва поэтикасини талқин қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, бадий асарни комплекс таҳлил қилиш, ижтимоий-маданий таҳлил ва таснифлаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

ўрта асрлар хитой адабиётига хос сюжет, композиция, услуб каби поэтик унсурлар ҳамда тарихий муҳитнинг адабий тур ва жанрларига хос ғайритабиийлик ҳамда ноанъанавийликни ақс эттирувчи, шу билан бирга, замирида хитой миллий қадриятлари ва фалсафий таълимотларини тарғиб этувчи ноодатий адабий тамойиллар очиб берилган;

Пу Сунглинг асарларининг индивидуал “ноанъанавий баён” услуби ўрта асрларда пайдо бўлган хитой “шаҳар адабиёти” жанрининг шаклланишига таъсир кўрсатгани далилланган;

Пу Сунглинг ижодий меросининг метафорик табиати, умумпоэтик жиҳатларидан ўрта асрлар ва ундан кейинги давр хитой адабиётидаги ҳикоя

<sup>34</sup>Диссертацияни ёзиш жараёнида хитой тилидаги мазкур манбанинг бир қисми тадқиқотчи томонидан илк бор ўзбек тилига ўғирилди ва 2021 йили «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» номи билан чоп этилди.

<sup>35</sup> Тадқиқотда асосий манбага иқтибосни ихчамроқ бериш мақсадида «Асосий манба. Б...» деб, қўшимча манбага иқтибос келтирилганда эса «Қўшимча манба. Б...» деб берилди.

ҳамда романларга мотивларнинг ўзлаштирилиши, мазкур ҳикоя ва романларда композициянинг шаклланишига ҳамда уларда янги сюжетларининг пайдо бўлишига таъсир кўрсатганлиги исботланган;

Пу Сунглиннинг “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” тўплами бадииятида маънавий кадриятлар, олижаноблик, инсонийлик каби фазилатларнинг устунлик қилиши аниқланиб, унинг ҳикояларида конфуцийлик, буддавийлик ва даосийлик билан боғлиқ устувор фалсафий тушунчаларга ёзувчининг ижобий ва салбий ёндашувлари мавжудлиги асосланган;

адиб ҳикоялари сюжет ва композициясига хос “шарҳлаш” ҳодисаси – “қиссадан ҳисса” бадиий воситаси орқали акс эттирилишининг ўзига хос “муаллиф насиҳати” усули эканлиги исботланган;

Ляо Жай насри поэтикаси негизида ноанъанавий образларнинг ўзига хос табиати, метаморфоза усули, муаллифнинг қаҳрамонлар портретига янгича ёндашуви, улар ҳаракат қиладиган ноодатий макон ҳамда замонда сеҳр-жоду ва афсун билан боғлиқ ҳодисалар баёнининг ўзига хос жиҳатлари, шу билан бир қаторда оддий инсоннинг мавқеини кўтариш, жамият ва ахлоқий нормаларни ислоҳ қилишда ғайриоддий қаҳрамонларнинг ўрни ҳамда аҳамияти асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Чинг даври адабий муҳити ва илк республика даврида хитой ҳикоянавислигига хос «оммабоплик» пайдо бўлганлиги ва адабиётшуносликка «оммабоп адабиёт» тушунчаси кириб келганлиги илмий асосланган;

Пу Сунглин «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» тўпламининг ғоявий-бадиий тавсифи берилган ва адибнинг ўзига хос бадиий услуби очиқ берилган;

Пу Сунглин қўллаган бадиий тасвир воситалари, ҳикояларидаги ноодатий бадиий тафсилотларнинг вазифаси каби бир қатор анъанавий хитой адабиётидаги новаторлик жиҳатлари аниқланган;

Пу Сунглиннинг ёзувчилик маҳорати «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» тўплами мисолида муаллифнинг шахсий нуқтаи назари, асарларида қўллаган бадиий тасвир воситалари атрофлича ўрганилган;

Ляо Жай насри поэтикаси тадқиқи жараёнида, хусусан, образларни тавсифлаш ва тасвирлашда янгича ёндашувдан кенг фойдаланиш, инсоннинг табиатдаги ўрнини аниқлаш, қаҳрамонлар тасавурида оламнинг маконларга бўлиниши каби адабий анъаналар янгиланган бадиий воситалар орқали акс эттирилгани исботланган;

Пу Сунглин насрида шахс, маънавий ва руҳий тарбия ҳамда миллий кадриятларни эъозлаш масалалари «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» тўплами мисолида очиқ берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** юртимиздаги, хориждаги, шунингдек, хитой адабиётшунос ва танқидчиларининг фикрига мурожаат қилингани, Пу Сунглин ҳикоялар туркумининг талқини қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик методлар асосида олиб борилгани, илмий тадқиқот натижаларининг диссертация назарий концепциясига мос келиши, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилгани тегишли ташкилотлардан олинган расмий ҳужжатлар билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий ўқув юртлари хорижий ва шарқ филологияси факультетларида адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, жаҳон адабиёти, тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти, мутахассисликнинг назарий масалалари, Шарқ адабиёти жаҳон адабиёти контекстида, XIX–XX асрлар адабиётида бадиий тизимлар, Шарқ адабиётида поэтика масалалари, замонавий хитой насри каби фанларнинг маъруза ва семинар машғулотларини илмий-назарий жиҳатдан кучайтириш, замонавий дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг назарий қисмларини янгича ёндашувлар асосида бойитиш, олинган назарий хулосалар шарқ мамлакатлари адабиётида насрий асарлар тараққиётини таҳлил этишда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, диссертация материалларидан адабий жараёнда жанрлар шаклланиши, ижодий йўналишлар алмашинуви, адабий мактабларнинг вужудга келиши каби муаммоларнинг ечимига бағишланган махсус курс ва семинар машғулотларини ташкил қилишда, XVII–XVIII асрлар шарқ халқлари адабиётида адабий жараёнлар ва насрий асарларнинг жанр хусусиятлари, уларнинг динамикасини ўрганишда, адабий алоқалар ва ўзаро таъсир масалаларига оид монография, дарслик, ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пу Сунглинг поэтикаси тадқиқоти бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

ўрта аср хитой ҳикоясининг шаклланиш жараёни таҳлили натижасида олинган илмий-назарий қарашлар, жумладан сюжет, композиция, услуб каби поэтик унсурлар ҳамда тарихий муҳитнинг адабий тур ва жанрларига хос ғайритабиийлик, ноанъанавийликни акс эттирувчи адабий тамойиллардан ва хитой фольклорига хос унсурларнинг ифодасидан ОТ-Ф1-67-сон «Буюк ипак йўли минтақаси халқлари фольклорининг типологияси, миллий ўзига хослиги ва ёзма адабиёт ривожидида тутган ўрни» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Тошкент давлат шарқшунослик университетининг 2021 йил 10 сентябрдаги 01-04-01/1804-сон маълумотномаси). Натижада хитой ўрта асрлар адабиётида фольклорга хос унсурлар, сюжетлар, образлар мавжудлиги масалаларини ёритиб беришга, хитой адабиёти тарихида сеҳрли новелла жанрининг пайдо бўлиши ва тараққиёти, Пу Сунглинг ижодининг ўрганилиши, ёзувчининг фольклор сюжетларнинг ривожланишига қўшган ҳиссаси, Пу Сунглингнинг хитой адабиётшунослигида кичик эпик жанрларнинг ривожланишидаги ўрни каби масалаларга доир маълумотларни ҳам илм аҳлига етказиб беришга хизмат қилган;

хитой адабиёти Хан давридан ши ва фу жанрларини мерос қилиб олганлиги, Пу Сунглинг ижодий меросининг метафорик табиати, умумпоэтик жиҳатлари ўрта аср ва ундан кейинги давр хитой адабиётига янги жанр ва ўзига хос композициянинг пайдо бўлишига таъсири масалалари, Пу Сунглинг ижоди, айниқса, насрий асарлари умуминсоний мазмун-моҳияти, бетакрор поэтик тасвири ва услубий ўзига хослиги билан ажралиб туриши билан боғлиқ назарий ва амалий материаллардан, хитой адабиётининг қадимги ва ўрта асрлар даври ҳамда новелла ва ҳикоя жанри билан боғлиқ масалаларни ўрганишда

«Филология ва тилларни ўқитиш (хитой тили)» таълим йўналиши бўйича тахсил олаётган талабалар учун ҳозирланган «Хитой адабиёти (қадим ва ўрта асрлар)» дарслигини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 майдаги 394-сон буйруғи, 394-264 рақамли гувоҳнома). Натижада, талабаларга қадимги ва ўрта асрлар хитой адабиётидан кенг қўламдаги маълумотларни етказиб, бакалавр талабаларининг билим даражаларини оширишга назарий ва амалий ёрдам берган;

Пу Сунглиннинг «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» тўплами бадииятида маънавий кадриятлар, олижаноблик, инсонийлик каби фазилатлар устунлик қилиши, конфуцийлик, буддавийлик ва даосийлик билан боғлиқ устувор фалсафий тушунчаларга янгича ёндашувдан олинган хулосалар Конфуций номидаги ўзбек-хитой институтининг илмий фаолиятида, хусусан, хитой тили ва адабиёти ҳамда хитой маданияти билан боғлиқ илмий йўналишларда ва дарс жараёнида қўлланилган (Конфуций номидаги ўзбек-хитой институтининг 2021 йил 19 августдаги 79/21-сон маълумотномаси). Натижада ўқув жараёнида бадиий матнларни таржима қилиш кўникмаларини шакллантириш, хитой адабиётшунослигига хос атамаларни тўғри қўллаш, қолаверса, Чинг даври адабий муҳити, Пу Сунглин ҳаёти ва ижодини ўргатиш ва ўрганишда тингловчи ва мустақил илмий тадқиқотчиларга маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилган;

XXРнинг Гангсу вилоятидаги Шимоли-ғарбий миллатлар университетида ташкил этилган илмий-назарий семинарда Пу Сунглин поэтикаси масаласига оид ўқилган маъруза орқали олинган натижа ва хулосалардан, жумладан, Ляо Жай насри поэтикаси негизида ноанъанавий образлар табиати, муаллифнинг ўз қахрамонларига янгича ёндашуви ва улар ҳаракат қиладиган ноанъанавий макон ҳамда замон хусусияти каби масалалардан университетда тахсил олаётган чет эллик талабаларга хитой адабиётидаги кичик эпик жанрлар, хитой адабиётининг ўзига хослиги, Пу Сунглин ҳаёти ва ижоди ҳамда унинг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши каби мавзулар бўйича ўқиладиган маърузаларда фойдаланилган (Шимоли-ғарбий миллатлар университетининг 2021 йил 5 сентябрдаги маълумотномаси). Натижалар татбиқи университет талабаларига хитой адабиёти бўйича билимлар беришда қўшимча маълумотлар бўлиб хизмат қилган;

Пу Сунглин насрий асарлари поэтикаси таҳлили ва Ляо Жай ҳикояларининг таржималари, адиб ҳикоялари сюжет ва композициясига хос «шарҳлаш» ходисаси – «қиссадан ҳисса» бадиий воситаси орқали акс эттирилишининг ўзига хос «муаллиф насиҳати» усулига доир маълумотлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Маҳалла» телеканалда 2021 йилда эфирга узатилган «Умр сўқмоқлари», «Ҳаёт ҳақиқатлари» кўрсатувларини тайёрлашда, «Ўзбекистон тарихи» телеканалининг «Тақдирот», «Ибтидо», «Тарихий савол» каби туркум дастурлар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Маҳалла» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг, 2021 йил 10 августдаги 01-18-590-сон ва 2021 йил 10 августдаги 02-40-1304-сон маълумотномалари). Натижада, мазкур кўрсатувлар сценарийларининг илмий-оммабоплиги ортган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари бта халқаро ва 3та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 1 та монография, 1 та дарслик, 23 та илмий мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия қилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола (10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 248 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилган таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг методлари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар киритилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби «**XVI–XVIII асрлар хитой адабиёти**» деб номланган. Мазкур бобнинг «**Ўрта асрлар хитой адабиёти поэтикасининг назарий асослари**» номли дастлабки фаслида хитойликларнинг бадий адабиётга оид қарашлари, хитой адабиёти тарихидаги босқичлар, бадий адабиёт тараққиётининг ички омиллари, хитой миллий адабиётига хос услубий йўналишлар хусусида таҳлил ва талқинлар тақдим этилади. Кўплаб таниқли олимлар бадий матн поэтикаси масалаларини ўрганганлар. Жумладан, М.Бахтин, Г.Винокур, В.Жирмунский, А.Скафтимов ва В.Виноградов ўз илмий асарларида поэтикага катта эътибор қаратганлар. Поэтика билан боғлиқ масалаларни ўрганиш Россияда XIX асрда А.Потебня ва А.Веселовскийнинг концепциялари асосида пайдо бўлган. М.Гаспаров таъкидлаганидек: «Поэтика–бадий асарлардаги ифода воситалари тизими ҳақидаги фан. Кенг маънода поэтика адабиёт назарияси билан, тор маънода назарий поэтика соҳаларидан бири билан мос келади. Поэтика адабий тур ва жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари, адабий оқимлар, йўналишлар ва услубларни, бадииятнинг ички қонуниятларини ва бадий алоқаларини ўрганади»<sup>36</sup>. Шунингдек, таниқли рус олими Н.Д.Тамарченко ҳам поэтика тушунчасига урғу беради. Унинг фикрича, бадий асардаги бетакрорлик, тасвирийлик, типологиклик каби хусусиятлар ўзига хос услуби билан бирга бадий асар поэтикасини англади. Кенгроқ

<sup>36</sup> Гаспаров М.Л. Поэтика // Литературный энциклопедический словарь – М., 1987. – С.785-786.

изоҳлаш лозим бўлса, поэтика тушунчаси доирасига бадий асарнинг жанр хусусиятлари, кўчим ва бошқа жиҳатларини ҳам киритиш мумкин.<sup>37</sup> Тадқиқотнинг мазкур бобида асосан ўрта аср хитой адабиёти поэтикаси ўзига хослиги ҳақида сўз боради. Хитой адабиётшунослигида поэтика масаласи тизимли равишда, алоҳида фан сифатида ўрганилмаган. Тўғри, хитой адабиётшунослигида муайян асарнинг сюжети ва композицияси алоҳида таҳлил қилинса-да, лекин улар яхлит «поэтика» атамаси остида ўрганилмайди, шу боис, хитой адабиётшунослик луғатларида «поэтика» атамасига мазмунан мос муқобили ҳам йўқ<sup>38</sup>. Албатта, асар бадий тасвир воситаларини англатувчи атамаларнинг хитой тилида муқобиллари мавжуд. Бироқ улар «асар поэтикаси» сифатида яхлит бир бутунликда тадқиқ қилинмаган. Биз қўллаган «шисюэ» (诗学 – поэтика) термини ҳам биз назарда тутган «поэтика» атамасининг тўлиқ маъносини бера олмайди. Ўрта асрлар хитой адабиёти моҳиятига конфуцийлик, даосийлик ва буддавийлик ғоялари сингдирилганига эътибор бермоқ лозим, зеро, бу давр хитой адабиётида, хусусан Пу Сунглинг ижодида бу таълимотлар алоҳида ўрин тутди. Пу Сунглинг асарлари хитойликлар ҳаётининг бадий ифодаси, хитой халқи маданий меросининг ажралмас қисми, хитой жамиятидаги турли қатламларнинг ҳаёти ва ўзига хослигини акс эттиришга имкон берувчи адабий манба ҳисобланади.

Хитой адабиёти тарихидаги бундай далиллар ижтимоий ҳаёт ва ижодкор, жамият ва бадий адабиёт, анъана ва янгиланиш каби адабий-назарий тушунчаларни атрофлича муҳокама қилишга ёрдам беради. Жумладан, хитой адабиётидаги «шошу» («说书») жанрини ўзбек халқ ижодидаги «достон» жанри билан қиёслаб, унинг тарихига назар ташланса, фикр баённи англаш нисбатан осон бўлади.

Хитой ровийлари томонидан айтилган терма ҳикоялар ва афсоналар Ло Гуань Жун (罗贯中)нинг «Учшоҳлик» («三国演义»), У Чень Эн (吴承恩)нинг «Ғарбга саёҳат» («西游记»), Ши Най Ан (施耐庵)нинг «Дарё ўзанлари» («水浒传») каби романларига ҳам асос бўлган. Ровийлар ибодатхоналарда, бозор майдонларида, Чагуанг («茶馆»), яъни «чайхоналарда» ва ҳатто император саройида уюштириладиган базмларда романлардаги ҳикояларни ижро этганлар.

Профессор Цао Шун Чинг ўзининг «Хитой ва Ғарб поэтикасининг қиёси» асарида шундай фикрни баён қилади: *«Хитой ўрта асрлар адабиёт назариясининг ҳиссаси нафақат унинг Ғарб позицияларига ўхшаши айрим ҳолатларни, балки Ғарб назариясида топиб бўлмайдиган нарсаларни илгари сурганлигида намоён бўлади. Айнан мана шу «янги» нарсалар жаҳон адабиёт назариясидаги бўшлиқни тўлдиради»*<sup>39</sup>. Бадий асар поэтикаси ўрганилганда, жаҳон адабиётшунослигида тўпланган тажрибалар муҳимдир. Айни пайт, ҳар бир адиб мансуб халқ адабиётшунослигида мавжуд назарий тушунчалардан

<sup>37</sup> Тамарченко Н. Д. Теория литературы. Том 1. Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика. В 2 томах. — М.: Академия, 2004. — С. 26.

<sup>38</sup> 关桂云 著. 文学学术语. 中国社会科学出版社. 2017 年.

<sup>39</sup> Цао Ш., Ли С. Основные пути и способы реконструкции литературной критики китайского литературного дискурса, 1996. Т. 2. С.170.



фойдаланиш ҳам лозим. Хитой адабиётининг жаҳон адабиёти контекстидаги ўрнини кўрсатиш учун, хусусан, Пу Сунглинг ижодига хос етакчи адабий тамойиллар, поэтик хусусиятлар тадқиқида илғор назариялар ўз самарасини бериши табиий, албатта. Мазкур фаслда хитой адабиёти тарихини ўрганишда жаҳон адабиётшунослигидаги етакчи методларнинг аҳамияти ҳамда поэтика тушунчасининг талқинларига урғу берилди. Шунингдек, ўрта асрлар адабиётининг энг муҳим қирралари, ўзига хос адабий хусусиятлари, ғоявий йўналишлари, Ғарб ва Шарқ илмий-назарий концепцияларнинг ўзаро уйғун тамойиллари асосида баҳолаш лозимлиги таъкидланди.

Бобнинг иккинчи фасли **«Чинг сулоласи (1644-1912) даври адабий жараёнларига хос хусусиятлар»** деб номлаган бўлиб, бевосита тарихий давр, адабий муҳит ва адабий жараён, бу давр хитой адиблари, уларнинг асарларига хос хусусиятлар таҳлилга тортилди. Дарҳақиқат, XIV асрдан XIX аср охирига қадар ҳукмронлик қилган Юан (元朝), Минг (明朝) ва Чинг (清朝) сулолалари даври адабий жараёни янги адабий тур ва жанрларнинг пайдо бўлиши билан алоҳида ажралиб туради. Юанда «оғзаки кўшиқ», «драматик ария» ва «драма» деган ном билан машҳур адабий шакл юзага келди. Мин ва Чинг сулолалари ҳукмронлик қилган даврларда мумтоз ва фольклор романлар етакчи адабий шаклларга айланди.

Чинг сулоласи адабиёти олдинги Минг даври адабиётини эслатар эди, чунки унда асосий эътибор мумтоз шаклларга қаратилди. XVIII аср манчжур адабий инквизицияси сабабли кўплаб асарлар йўқ қилинди; муаллифлари қамалди, сургун қилинди ёки ўлдирилди. Халқ тилида битилган саргузашт романлар сезиларли даражада ривожланди. XIX аср ўрталарида Хитой портлари ташқи савдо учун очилганидан сўнг хорижий тиллардаги асарларнинг хитой тилига таржималари кўпайди.

Пу Сунглинг «Ляо Жай Жэйи» (1766; «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари») номли 500га яқин ҳикоядан иборат асарини вэнян (文言) тили («мумтоз тил»)да ёзиб, хитой насри анъаналарини давом эттирди. Мазкур фаслда Пу Сунглингга замондош адиблар ижодининг муҳим жиҳатларига, романчиликнинг шаклланишига эътибор қаратилди.

Чинг ва илк республика даврлари хитой ҳикоячилигида «оммабоплик» ўзига хос хусусият бўлган ва бу ҳолат ўрганилаётганда, уч муҳим мезонни ҳисобга олиш лозим: 1) матнлар ва ҳикояларнинг ҳаммабоплиги «оммабоп» бўлган нарсани аниқлашда эстетикадан анча кучли мезон ҳисобланади; 2) хитой романига жанрлар тизими сифатида қараш лозим; 3) олимлар роман ва балладаларга оммабоп Чинг адабиёти тўғрисида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлиш учун мурожаат этишлари керак<sup>40</sup>.

XVI-XIX асрлар оммабоп романларида тарихсизлаштириш жараёни ва индивидуал субъективликнинг кучайгани кузатилади. Аммо, суд жараёнлари ва жанг санъатлари ҳақидаги алоҳида қаҳрамонлар тавсифига қаратилган саргузашт романларда баъзи истиснолар бўлиши мумкин.

---

<sup>40</sup>Li Wai Yee. Enchantment and Disenchantment: Love and Illusion in Chinese Literature. – Princeton: Princeton University Press. 1993. – 294 p.

Чинг даврида машхур романлардан олинган ҳикоялар, драма ва балладалар кенг тарқалган. Б.Рифтиннинг таъкидлашича, ўрта асрларда Хитойда турли номдаги роман мавзуларидаги машхур матнлар кўп тарқалган <sup>41</sup>. Бундай сюжетлар қуйидаги тарихий жараёнларда кузатилади: «Учшоҳлик» тарихий даври (220 йилдан 280 йилгача Вэй, У ва Шу давлатлари ўртасидаги муросасизликлар, Тан даврининг машхур ҳарбий генерали Сюэ Рэнгуй (薛仁贵) нинг Шарққа қилган юришлари, Сюй Дишань (许地山) нинг Ғарбга сафарлари ҳақидаги тарихий ва ҳарбий романлар. Уларнинг аксарияти ровийларнинг репертуарига ҳам кирган. Оммабоп хитой романлари нафақат ҳозирги хитой адабиётига, балки бутун Осиё адабий муҳитига ўз таъсирини ўтказди. XVII асрдан бошлаб хитой халқ бадиий адабиёти манчжур, мўғул, корейс, япон ва вьетнам тилларига таржима қилинди. Европада эса хитой адабиёти ва маданиятининг илк тадқиқотчи ҳамда таржимонлари пайдо бўлди.

Бобнинг навбатдаги фасли «**Пу Сунглинг насри поэтикасининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши**» деб номланади. Мазкур фаслда «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» тўплами юзасидан адабиётшуносларнинг мулоҳазалари, турли тиллардаги таржималари муҳокама этилди. Тўплам 1766 йилга қадар қўлёзма шаклида тақдим қилинган. Ягона нусхада сақланиб қолган тўлиқ рўйхат 1752 йилга тааллуқлидир. 1955 йили ХХРда қўлёзманинг биринчи асл нусхаси босмадан чиқарилди. Қизиқарли сюжетлар асосига қурилган ҳикоялар, образларнинг ўзига хос тасвири ва композицияси сабабли мазкур тўплам нафақат Хитойда, балки дунёнинг барча минтақаларида машхурликка эришди. XVIII асрдан шу кунгача «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» йигирмадан ортиқ тилларга ўтирилди.

Ёзувчи туғилиб ўсган Шандун вилоятида 1986 йилдан бошлаб «Пу Сунглинг бўйича тадқиқотлар» «蒲松龄研究» илмий-оммабоп журнали нашр этилади. Журналнинг асосий таъсисчи ва ҳомийлари Пу Сунглинг мемориал уй-музеи маъмурияти ҳамда Пу Сунглингни ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот маркази ҳисобланади. Мазкур журналда Пу Сунглинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва турли тилларга таржима қилиш бўйича кўплаб мақолалар нашр этиб келинмоқда.

«Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» Шарқ мамлакатларига XVIII асрнинг иккинчи ярмидан, Ғарб мамлакатларига эса XIX асрнинг ўрталарида етиб борди. Мазкур ҳикоялар биринчи бўлиб XVIII аср охирларида Япония адабий муҳитига кириб боради ва ўша пайтнинг ўзидаёқ япон адабиётига ўз таъсирини ўтказа бошлайди. Тахминан XVIII асрнинг охири ва XIX аср бошида ушбу асар Кореяда ҳам тарқалди. Асар Вьетнамга XVIII асрнинг охири-XIX асрнинг бошларида кириб борди. Руан Зхенгсе 1916-1917 йилларда мазкур асарнинг вьетнам тилидаги таржималарини чоп эттирган.

«Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари»ни ғарб тилларига машхур хитойшунослар ўтирган. Инглиз тилига кўпроқ таржима қилинган.

---

<sup>41</sup>Рифтин Б.Л. От мифа к роману (Эволюция изображения персонажа в китайской литературе). – Москва: «Наука», 1979. — 358 с.

Пруссиялик протестант руҳонийси К.Гецлав 1842 йилда «Хитой жамланмаси» журнали 11-жилдининг 4-сонида тўққизта ҳикоянинг биринчи инглизча таржимасини нашр эттирди. Ишда инглиз тилига кейинги таржималар хусусида ҳам маълумот берилди.

«Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари»ни француз тилига таржима қилиш анча аввал бошланган. Франциялик хитойшунос К.Хуарт<sup>42</sup> «Нок эқмоқ» (种梨) ҳикоясининг таржимасини 1880 йилда Парижда чоп этиладиган «Осиё» журналида эълон қилади. 1895 йилда бошқа француз хитойшуноси Л.Вигер<sup>43</sup> ўнта ҳикояни «Хитой тилига кириш» («汉语入门») китобида беради. 1884 йилда Хитойнинг Париждаги элчихонаси бош маслаҳатчиси Чен Жи (陈季) бошчилигида «Ляо Жай»нинг 26 та ҳикояси француз тилига таржима қилинади ва беш йилдан сўнг китоб шаклида босилади.

Хитой адабиёти тарихини ўрганишда Россия хитойшунослик мактаби дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Россиялик хитойшунос, таржимон ва тадқиқотчилар томонидан «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» асари бўйича амалга оширилган тадқиқотлар ва таржималар сифатлидир. XIX асрнинг 80-йилларидаёқ асар рус тилига ҳам таржима қилина бошланди. Ҳикояларни илк бор хитойшунос Н.Н.Монастирев (1851-1881) рус тилига ўгирган ва 1878 йили Россиянинг «Миллий янгиликлар» журналида Ляо Жайнинг «Бепарво сув ўти» (水莽草)<sup>44</sup> ҳикояси босилади. Диссертацияда В.П.Васильев, Б.К.Пашков, В.М.Алексеев, Н.Т.Федоренко, Л.З.Эйдлин, Б.Л.Рифтин сингари олим ва таржимонларнинг хизматлари тавсифланди.

Шунингдек, германиялик, италиялик, испаниялик, чехиялик, руминиялик, америкалик таржимонлар, хитойшунос ҳамда адабиётшунос олимларнинг фаолияти ўрганилди. Шу билан бир қаторда, Пу Сунглинг ижоди бўйича хитой олимларининг ишлари ҳам таҳлилга тортилди. Ўзбекистонда ҳам бу адибнинг ҳаёти ва ижоди ўн беш йилдан буён тадқиқ қилиб келинмоқда<sup>45</sup>.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **«Хитой мумтоз адабиёти такомиллашувида Пу Сунглинг поэтикасининг ўрни»** деб номланган. Бобнинг биринчи фаслида ўрта асрлар Хитой адабий муҳити ва адиб замондошлари ижодига эътибор қаратилди. Маълумки, Минг сулоласи даврининг охири (1368-1644) ва Чинг сулоласи даврининг бошида (1644-1911) Хитойда ҳокимият учун курашлар авж олган, исёнлар шафқатсизларча бостирилаётган, сулолалар таназзулга учраган, манчжурлар босқини давом этаётган, сулола кулаб «альянс» ҳукумати барпо этилаётган бир давр эди. Бундай ўзгаришлар, шубҳасиз ўша давр ижтимоий, маданий ва интеллектуал муҳитига ўз таъсирини кўрсатарди. Шу билан бирга, Минг ва Чинг сулолалари ўртасидаги шаклланиш ва ўзгаришларга тўла

<sup>42</sup>Camille Imbault-Huart, 1857 – 1897-йилларда яшаган, француз дипломати, тилшунос ва шарқшунос.

<sup>43</sup>Leon Viger, 1856-1933-йилларда яшаган, француз иезуит миссионер, шифокор ва синолог. У Хитой маданияти, даосийлик, буддавийлик ва хитой тилига оид кўплаб китобларни нашр этган.

<sup>44</sup>Асосий манба, 128-бет.

<sup>45</sup> Бу ҳақда тадқиқот муаллифига тегишли манбаларга қаранг: 2005 йилда эса Ж.Зиямухамедов «Пу Сунглингнинг сеҳрли новеллалари (сюжетнинг келиб чиқиши ва ривожланиши)» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 2016 йилда Ж.Зиямухамедовнинг «Пу Сунглинг ва ўрта аср хитой новеллалари» монографияси эълон қилинган.

мураккаб давр «хитой тафаккури тарихидаги энг ижодкор ва рағбатлантирувчи даврлардан бири» ва «жонли баҳс ва мунозаралар, интеллектуал хилма-хиллик» даври бўлди. Чинг сулоласи даври бадий асарлари ҳаётни кенгроқ акс эттирди, ажойиб асарлар ёзилди. Мисол учун, У Цинзининг «Конфуцийликнинг норасмий тарихи» (吴敬梓. «儒林外史») ва Ши Юкуннинг «Уч содиқ қахрамон ва бешта солих» (石玉昆. «三侠五义») асарлари ўша муҳит маҳсулидир.

Диссертацияда ушбу адабий муҳит тавсифида Ли Юй (李鱼, 1611-1680), Юан Мэй (袁枚, 1716-1797) Ли Дзуолин (李作霖, 1760-?) Кунг Шангжэн (孔尚任, 1648-1718) каби адиблар ижодига муносабат билдирилди.

Маълумки, Хитойда илк бор драма намойиш этилганида, ундаги тарихийлик ва замонавийликнинг реалистик уйғунлиги омма орасида акс-садо берди. Қолаверса, асар воқеаларининг кўплаб гувоҳлари ҳали ҳаёт эди. Драмада нозик сезгирлик ва кўпол ҳазил, шахсий қахрамонлик ва кўрқоқ хиёнат, юксак сиёсий идеаллар ва бешафқат, виждонсиз сиёсий хатти-ҳаракатлар акс эттирилган эди. Ўткир ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг драматик тус олиши ва ўта шахсий инқирозли вазиятларда асабий одамларни эпик услубда тасвирлаш Хитой тарихида анча жонланади, Минг ва Чинг давридаги муаммо ва воқеаларнинг тушунилиши анча кучаяди.

Пу Сунглинг яшаб ижод қилган Чинг сулоласи даврида ҳам хитой адабиёти тарихида маълум даражада машҳурликка эришган адиблар етишиб чиқди. Улар орасида Пу Сунглинг ва унинг «Ляо Жайнинг ғаройиб ҳикоялари» ниҳоятда улкан шухрат қозонди.

Пу Сунглинг ижодининг поэтик қийматини кўрсатиш мақсадида ушбу фасл доирасида адибга замондош Ву Вэйе (吴伟业, 1609-1672), Мао Чилинг (毛奇龄, 1623-1716), Ван Ситонг (万斯同) (1638-1702), Фанг Ёйжи (方以智, 1611-1671), Хоу Фангю (侯方域, 1618-1654) ва бошқаларнинг ҳаёти ва асарларига тўхталинди. Аниқроғи, Пу Сунглинг яшаган ижтимоий муҳит, унга замондош ижодкорларга оид маълумотлар, асарларда баён этилган ғоялар – тадқиқот мавзуси нуқтаи назаридан, буларнинг барчаси адиб мансуб бўлган адабий ҳаёт ҳақида тўлиқроқ тасаввур беради.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли «**Пу Сунглинг ижодий мероси ўрта асрлар хитой адабиётининг мумтоз намунаси сифатида**» деб аталади. Мазкур фаслда «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» туркумининг хитой адабиётида тутган ўрни ва поэтик хусусиятлари таҳлил қилинди. Пу Сунглинг 500га яқин ҳикояни қамраган ғайриоддий ва мафтункор асари билан хитой адабиётида ҳикоя жанрининг тараққиётига катта ҳисса қўшди. 1679 йилда тугалланган тўплам илк адабий эртак анъаналарини эслатади, чунки унда персонажни ҳаққоний тасвирлаш ва сюжетларни янада ишончли қилиш мақсадида безаб, кичик ўзгартиришлар билан баён қилинган Танг даври ҳикоялари ўз аксини топган.

Пу Сунглинг ҳаётлигида «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» унча машҳур бўлмаган, XIX асрга келиб шухрат қозона бошлаган. Асарнинг танқидий усули дастлаб эътиқод масаласига, яъни дискурс мавзуси сифатида руҳларнинг қонунийлигига доир эътиборни бир жойга жамлайди.

Америкалик олима Р.Хантингтоннинг Минг ва Чинг сулолалари даври хитой адабиётидаги тулкилар ва улар билан боғлиқ метафизик оламнинг тасвири, одамлар дуч келиши мумкин бўлган ғаройиб махлуқлар хусусида «Тулкилар ва сўнгги сулолалар насри» китобида фикр юритилади. Р.Хантингтон «Пунинг тулкилари бошқа ғайритабиий қаҳрамонлар билан бошқа туркумдаги тулкиларга қараганда кўпроқ ўхшашликларга эга...» деб ёзади<sup>46</sup>. Шу нарса аниқки, арвоҳлар, тулкилар, парилар ва одам қиёфасидаги арвоҳлар, хайвонлар ва ўсимликларнинг руҳлари Пу Сунглинг бадий тасаввурининг кенглигини намоён қилади.

Тадқиқотда айна туркумдаги аёл образини акс эттирган «Суюкли қиз» («梅女») <sup>47</sup> ва эркакнинг ижтимоий масъулияти тўғрисида ёзилган «Ақлдан озган китоб курти» каби ҳикоялари атрофлича таҳлил қилинди. Аслида арвоҳлар, руҳлар, парилар, сирли ва ғаройиб дунёни тасвирлаш осон иш эмас. Аммо Пу Сунглиннинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари ўз жозибаси, поэтик қиймати, инсон тасаввурини турли томонларга йўналтириши, энг муҳими, метафорик табиати билан индивидуаллик касб этдади.

Бобнинг «**Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари**»да **муаллиф услуби**» деб аталган охирги фаслида Пу Сунглинг бадий маҳорати, баён усули, услубидаги ўзига хос қирралар адабиётшунослар фикрларига таянилган ҳолда тадқиқ қилинди. Пу Сунглинг ўз ижодида «Ляо Жай» («聊斋 Liáozhāi»), «*Ғаройиб муаррих*» («异史氏»), «*Жаноб Ляо Жай*» («聊斋先生»), «*Ўлмас (абадий) сўз*» («字留仙»), «*Баҳорий кулба*» («泉居士»), «*Қилич сўз*» («一字剑臣») каби таҳаллусларни қўлласа ҳам, барча асарларини услубий бутунлик бирлаштириб туради. Ёзувчи «Ғаройиб муаррих» адабий таҳаллуси билан ёзган кўплаб ҳикояларига хотималар битади. «Ғаройиб муаррих» таҳаллуси билан ёзган асарларининг марказий образлари давлат ишлари ёки таниқли сиёсат арбоблар эмас, балки арвоҳлар, тулки руҳлари ва ғайритабиий инсон кечинмалари, яъни муаллиф «ғалати» ҳисоблаган нарсалардир. Бундай танлов эса Пу Сунглинг индивидуал услубининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради. «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» туркумига тарихий нуқтаи назардан яхлит бир услубга эга адабий манба сифатида қараш ўринлидир. Пу Сунглинг ҳикояларидаги ғайриоддий нарса яратилишига асосланган индивидуал услубни тадқиқ этиш асосида ётган реал ва иллюзия орасидаги чегараларнинг атайлаб бузилишини ёритишга ёрдам беради. Асар ўрганилишининг уч асосий йўналишини белгилаб олиш лозим: 1) ғайриоддий нарсаларни эътироф этиш; 2) асарни ўз-ўзини ифода этишнинг мажозий воситаси сифатида тушуниш; 3) вазиятни таҳлил қилишда субъективликни тан олиш.

Услубий ўзига хосликни тушунтиришда адибнинг «Олим Чу» (褚生), «Расм солинган девор» («画壁») ва бошқа асарларига мурожаат қилинди. Адиб ижодининг индивидуал услуби унинг истеъдоди ва ўзлик сийратига бориб тақалади, тўқима тафсилотлар ва диалогларни моҳирона қўллаши Ляо Жай

<sup>46</sup> Huntington R. Alien kind: Foxes and Late Imperial Chinese Narrative. – Cambridge, 2004. – P. 248.

<sup>47</sup> Асосий манба, 620-бет.

машхурлигининг асосини ташкил этади. Баъзида Пу Сунглингнинг «жиловланмаган сўзлари» ақлсизлик маҳсули ўлароқ намоён бўлади. Зеро, бу ақлсизликни ҳақиқатдан ҳам жиловлашнинг иложи йўқ, шу боис адиб кўпинча ўз ҳис-туйғуларига эрк беради. Ушбу фикр давр тақиқларига қарамай, ёзувчининг «аччиқ ва кинояли тили» ёки ўз ҳис-туйғулари баённинг очикдан-очик кўринишидир. «Қора махлуқ» («黑兽») ҳикоясидан қуйидаги парча билан танишамиз: «那些貪官污吏就像金絲猴一樣，也是根據老百姓的貧富做上記號，然後再按照喜好吞食百姓。而老百姓們卻俯首貼耳，聽任宰食，連大氣都不敢喘。那種愚昧無知的樣子，跟獼猴是一樣的，真是令人悲哀呀!»<sup>48</sup>

*«Ўша олтин маймунлар худди порахўр амалдорларга ўхшайдилар. Халқни бой ёки қашшоқлигига қараб ажратишади. Нафслари жуда ёмон. Бироқ, оддий одамлар улар олдида бошларини эгиб, ўзларини хўрланишларига йўл қўйиб беришади ва ҳатто бечоралар эркин нафас ҳам олишга журъат этолмайдилар. Улар оддий маймунларга ўхшайдилар, бу ҳақиқатан ҳам ачинарли ҳол!»* Адибнинг бу сўзлари кучли ва очикдан-очик танқиднинг намунаси. Ляо Жай айнан мана шу «жиловланмаган сўзлари» орқали ҳам халқ орасида жуда машхур бўлди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Пу Сунглинги хикояларининг образлар тизими ва ўзига хос бадий санъатлар**» деб номланган. Биринчи фаслда «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги хикоялари» туркумидаги образлар табиати, уларнинг ўзига хос жиҳатлари фольклор намуналарига таққослаб ўрганилди. Пу Сунглинги асарлари образларини ўрта асрлар хитой адабиёти хусусиятларини ўзида жамлаган образлар сирасига киритиш мумкин. Адиб ижодида қаҳрамонларнинг тавсифи кўпроқ вазифавий характерга эгаллигини, уларда қаҳрамон шахсининг кейинги ҳаракатларини асослашга хизмат қиладиган жиҳатлар кузатилишини таъкидлаш лозим.

«Адабиёт худосининг котиби» («司文郎») хикоясида у ёнаётган асарни ҳидлаб, бу ҳақда фикр билдираётган кўр роҳибни таништиради. Роҳибнинг ёнига учта имтиҳон топширувчи келади, улар имтиҳондан сўнг ундан асарларини ҳидлаб кўриши ва имтиҳондан ўта оладиларми ёки йўқми, буни олдиндан айтиб беришини сўрайдилар. Пу Сунглинги «Жиа Фенгджи» («贾奉雉») хикоясида шэньюань мақомидаги олимни кўрсатади. Жиа ўзининг адабий истеъдоди билан яхши танилган, бироқ имтиҳондан ўта олмайди. Бу орқали Пу Сунглинги имтиҳон қабул қилувчиларнинг қобилиятсизлигини, шунингдек, уларнинг яхши ёзилган иншоларни кадрлай олмасликларини фош қилади. Туркумдаги «Као Чэнгуан» («考城隍»), «Ю Чуй Э» («于去恶») каби хикоялар қаҳрамонларининг характерини очишда адибнинг бадий маҳорати кўринади. Адиб қаҳрамонлари дангасалик, ноҳақлик, порахўрлик, адолатсизлик каби иллатларга қарши туради. Пу Сунглинги хикояларидаги инсонлар образи баъзи вазиятларда метаморфоза хусусиятли: турланади, тусланади ва бошқа нарсаларга айланади.

---

<sup>48</sup> Асосий манба, 314-бет.

Қасос-интиқом мавзусида ёзилган ҳикоялари сюжети хитой халқ эртақларида учратиш мумкин. Ишда адибнинг «Талаба Ёе» («叶生»), «Чунинг шогирди» (褚生), «Момақалдиروق худоси» («雷曹»), «Уч ҳаёт» («三生») каби қатор ҳикоялари интиқом олиш мавзуси эътиборидан таҳлилга тортилди. Пу Сунглинг ҳикояларидаги образлар қутилмаган вазиятларга тушади. Бу ҳам адиб асарларининг поэтик хусусиятини намоён қилади.

«Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари»дан тулкилар ҳақидаги етмиш битта ҳикоя ўрин олган. Ҳикоялардаги тулкилар образини икки тоифага ажратиш мумкин: яхши (ижобий) ва ёмон (салбий). Шунингдек, сатирик нуқтаи назарни таъкидлаш учун яратилган қасоскор тулки образлари ҳам бор. «И юань гуань» ва «Дао Ху» ҳикояларида шундай мазмун мужассам. Адибнинг «Фэньчжоулик тулки» («汾州狐») ҳикоясидаги тулки образи бинар характерли ва унда ижобий ва салбий жиҳатлар уйғун. «Ху чжэн инь» ҳикоясида хийлакор ва хавфли тулки образи мавжуд. «Ляо Жай»даги тулкиларнинг салбий образлари «Жя Эр» («贾儿»), «Тўртинчи Ху сингил» («胡四姐»), «Ғорлик қиз» («峡女»), «Чинг Шенг» («秦生»), «Дехқон» («农人») ҳикояларида учрайди.

«Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари»да ғайритабиий кучлар, арвоҳлар, кўп ўринларда мажозий маънодаги тулки образи бадиий талқинлари етакчи ўрин тутди. Асардаги барча табиий ва ғайритабиий образлар муаллиф бадиий ғоясини ифодалашга хизмат қилади.

Бобнинг навбатдаги фасли «**Пу Сунглинг ҳикоялари композицион тузилиши хусусиятлари**» деб номланади. Бунда дастлаб масаланинг назарий қирраларига эътибор берилди. Д.Қуроноф шундай ёзади: «Бадиий асардаги шакл компонентларини мазмунни шакллантириш ва ифодалаш учун энг қулай тарзда уюштириш композициянинг зиммасидаги вазифа саналади»<sup>49</sup>. Зеро, «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» асарининг композицияси хитой адабиёти тарихида мазкур асаргача ёзилган барча турдаги насрий жанрларга хос асарлардан, жумладан, ҳикоялар тўпламларидан ўзининг композицияси билан кескин фарқ қилади. Тўпламдаги ҳикояларнинг икки юзга яқини муайян бир шахс номи билан боғлиқ. Булар қарийб 50 фоизни ташкил қилади. Бу ёзувчи асарларида инсон шахси алоҳида улуғланганини, инсон образига алоҳида эҳтиром кўрсатилганини билдиради. Номлари сарлавҳа даражасигача кўтарилган инсонларнинг аксарияти олдинги давр адабиётида бўлганидек амалдор, қўмондон ёки зодагон эмас, оддий одамлар: дехқон, талаба, ҳунарманд, табиб ва ҳоказолардир. Яна бир муҳим томони шундаки, сарлавҳага чиқарилган исмларнинг кўпи аёлларга тааллуқли. Бу эса Пу Сунглинг асарларида аёл образининг устуворлик қилишидан ҳам дарак беради.

Композиция билан боғлиқ фарқлардаги яна бир ўзига хос унсур – аксар ҳикоялар сўнгида ёзувчи томонидан асосан кичик ҳажмли изоҳлар берилишида. Бу изоҳлар, одатда, Пу Сунглингнинг яна бир таҳаллуси «Йиши» («異史») номи билан «*Йиши айтади*» ёки «*Йиши изоҳ беради*» тарзида бошланади. Масалан, «Чангчинглик роҳиб» («長清僧») ҳикоясида қуйидаги изоҳ бор:

<sup>49</sup> <https://quronov.uz/> композиция-ҳақида/

«異史氏評論：人死之後，一般都魂飛魄散。像這樣離開了千里之遙而魂魄不散，是因為修練得一心不亂。對於這位僧人，死而復生並不奇怪，怪在投身於富貴之家卻能放棄奢華生活而回歸佛法，絕對不是一般人能辦到的。有人眼睛閃一下，看到這嬌媚富貴，即使想死都不行，何況是未經人事的僧人了»<sup>50</sup>.

*«Йиши изоҳ беради: Ўлимдан кейин инсонлар узоқларга йўқ бўлиб кетади. Минглаб километр узоқликларга кетиб қолишади. Лекин бу авлиё роҳибнинг ҳаётга қайтиши ажабланарли иш эмас эди. У ўзининг янги ҳашаматли ҳаётидан ҳам воз кечди. Бундай иш оддий инсонларнинг қўлидан келавермайди».*

Ёзувчи бу изоҳида буддавийлик таълимоти қонуниятларига асосланган. Унинг сўзларидан будда ақидаларидаги ҳаётга қайтиш, рухий барқарорликка эришиш учун ҳаётнинг моддий бойликларидан кечиш, таркидунёлик тамойилларига мос яшаш керак, деган мазмунни англаш мумкин.

Диссертацияда Пу Сунглинг асарлари композициясида учрайдиган изоҳларга намуна ўлароқ «Ўрдакни ҳақоратлаш» («罵鴨»), «Қора махлуқ» («黑獸»), «Телба» («狂生») каби ҳикояларидан олинган мисоллар берилди. Адибнинг диалогик нутқ қуриш маҳорати юзасидан эса «Тиббий маҳорат» («医术») ва «Буқа» (牛犢) номли ҳикоялари таҳлил қилинди. Ляо Жайнинг «Тоғ ёнбағридаги шаҳар» («山市») «Линг Жиао» («菱角») ҳикоялари ҳам ўзига хос сюжет ва композицияга эга. Дейлик, руҳларга бўлган эҳтироснинг тармоқланганлиги Пу Сунглиннинг Син Юньфэй исмли ақидага берилиб кетган одам ва тош ўртасидаги дўстлик ҳақидаги «Эфиртоши» («石清虚») ҳикоясининг асосий мавзуси ҳисобланади.

«Ғалати муаррих», яъни Пу Сунглинг бадий талқинидаги «ҳиссиз» тош инсонлардан кўра ҳам кўпроқ ҳақиқий ҳис-туйғуларни намойиш этади. Адиб идеал дўстлик мавзусини тасвирлаш учун тош образидан кўп фойдалангани бежиз эмас: тош анъанавий равишда садоқат ва барқарорлик рамзи сифатида қадрланган. Масалан, «тош – дўст» (石友) ибораси содиқ дўстни англатган ва бу тошнинг одатий поэтик белгиси эди. «Дўстларнинг тош кемаси» ибораси ҳам тош каби мустаҳкам ва абадий дўстликка ишорадир.

Ляо Жайнинг «Тоғ ёнбағридаги шаҳар» («山市») <sup>51</sup> ҳикояси ҳам ўзига хос сюжет ва композицион уйғунликка эга. Воқелик тасвири изчил ва батафсил. Бир киши майхонага май ичиш учун киргани, бирдан тоғ чўққисида турган якка минорани кўриб қолгани, бундай минора ўнлаб қасрларда ҳам йўқлигини, шундан тоғ ён бағридаги шаҳарни энди англаб бораётгани тасвирланади. Тўсатдан эсган қаттиқ шамол ҳақида ёзганида эса, ёзувчи қўшимча қуйидаги тафсилотларни қўллади: чанг-ғубордан шаҳар хиралашиб қолганини, шундан кейин шамол тўхтаб, осмон тиниқлашганини, қулай деб қолган эски бир бино борлигини, бино устидаги одамлар заррадек кичик кўринишини, уларнинг гоҳ суяниб, ёки гоҳ тик туришларини, бир оз вақтдан кейин минора пасайганини, фақатгина чўққисини кўриш мумкин бўлганини, оддий бинолар каби паст

<sup>50</sup> Асосий манба, 30-бет.

<sup>51</sup> Асосий манба, 582-бет.



бўлиб қолганини, яна бир қараса тик ҳолга келганини, бир қараса муштдек, яна бир қараса нўхотдек бўлиб кўринган ва охирида кўринмай қолганини ҳам ёзади. Адиб шаҳардаги минора ҳажмининг кичрайиш ҳаракатини эътиборли ҳаётини тафсилотлар билан беради. Пу Сунглинг асарларини шоша-пиша, атрофдаги воқеаларга бир назар солиб ёзган эмас. Пу Сунглингнинг ўта қисқа ва қарама-қарши фикрли ҳикояларидан ташқари ёзган ҳар бир асарида ҳаётини майда икир-чикирлар келтирилган, шунинг учун ёзган асарлари реал ҳаёт сингари ёрқин, ҳақиқий, узлуксиз ҳаракатланаётгандек намоён бўлади. Ҳаётнинг ёрқин нурлари доим унинг асарларида порлаб туради.

Умуман олганда, Пу Сунглинг ўз эзгу ғояларини баён этишда, ижтимоий ҳаётда урчиб кетган иллатларни танқид қилишда турли воқеа-ҳодисалардан унумли фойдаланади. Унинг композицион жиҳатдан пишиқ кўплаб ҳикояларида жамиятдаги тубанлик, адолатсизлик рамзий образлар орқали қораланади.

Бобнинг «**Адиб ҳикояларидаги бадий ифода воситаларининг ўзига хослиги**» деб номланган фаслида адибнинг поэтик ифода ва мажозга алоҳида ёндашуви тадқиқ қилинди.

Пу Сунглинг бутун ҳаёти давомида ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашларини очикдан-очик рўёбга чиқара олмаганлиги фонида Ляо Жайнинг ғайриоддий мазмун-мундарижаси ўзини оқлади. Асар муаллиф илгари сурган бадий ғоянинг мажозий ифодаси саналади. Ҳикоялардаги ғаройиб, ғайритабиий, сирли-сеҳрли жиҳатлар айнан энг асосий бадий ифода воситаси ўлароқ яққол кўзга ташланади. Пу Сунглинг ғайриоддий нарсанинг метафорик имкониятларини яхши билар эди. У хитой адабиётида мажозий тасвир поэтикасини ривожлантирган ижодкордир. «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари»да ёзувчи мажозий тасвирнинг ўзига хос жиҳатлари, рамз, аллегория, рамзий сифатлаш, рамзий ўхшатиш, рамзий киноя, рамзий муболаға каби кўчимларни ҳосил қилувчи воситалардан унумли фойдаланади. Диссертацияда «Бўялган тери» (画皮), «Йинг Нинг» («婴宁»), «Чинг Фенг» («青凤»), «Лаошанлик роҳиб» («山道士»), «Бўрилар ҳақида уч ҳикоя» («狼三则») каби ҳикоялар таҳлил қилинди ва бунда адиб маҳоратига урғу берган олимларнинг мулоҳазаларидан ҳам фойдаланилди.

Ёзувчининг «Каламуш» («大鼠») ҳикоясида шундай бир муболағали тасвир келади: «皇宮中有老鼠，長得跟貓一樣大»<sup>52</sup>. «*Император саройида мушуклардек катта ва ўта зарарли каламуш бўлар эди*». Албатта, бундай тасвирий ифодаларда адибнинг бадий маҳорати кўзга яққол ташланади.

«Нэ Шаочанг» («聂小倩») ҳикоясида ёзувчи ўз ифода йўсинига, яъни қисқа жумлаларда катта маънолар тақдим этиш услубига қатъий амал қилган ҳолда Нинг Сайченг образининг характери таърифини яшаш манзилига уйғун равишда тақдим этади. «宁采臣，是浙江人，性情慷慨豪爽，品行端正»<sup>53</sup>. «*Жэ Жианглик Нинг Сайченг жуда саҳоватли ва яхши хулқ-атворга эга инсон эди*».

<sup>52</sup> Асосий манба, 820-бет

<sup>53</sup> Асосий манба, 115-бет.

Ёзувчининг барча асарлари таркибида келадиган бундай бадий ифода таъсири, табиийки, ўқувчи эътиборини ўзига тортади; китобхонга таъсир кучини ўтказади.

Туркумдаги 497 та ҳикоядан 226 таси ахлоқий сабоқ вазифасини ўтаган ва Пу яшаган жамиятнинг ижтимоий кадриятларини аниқлашга қаратилган. Ҳикоялардан 110 таси кадриятларни улуғлайди, 116 таси турли индивидуал заифликлар ёки ижтимоий иллатларни танқид қилади. Ушбу 226 та ҳикоя аниқ дидактик вазифани бажаради. Пу Сунлингнинг 64 та ҳикоясида романлар ҳақида маълумотлар мавжуд. 497 ҳикоядан 137 таси эр-хотин муносабатлари мавзусига бағишланади.

Пу Сунгнинг ҳикояларида образларнинг индивидуал табиати ижтимоий ва табиий борлиқдаги воқеа-ҳодисалар билан уйғунлашади, шу боис жонли ва жонсиз табиат бир-бирига ўтади, табиат унсурлари худди ўзбек халқ эртақларидагидек сўзлашади. Адиб ҳикоялари композициясида «қиссадан-ҳисса» усулидаги шарҳ ўзига хосдир. Пу Сунгнинг бадий тасвир воситаларини қўллар экан, қадимги хитой адабиёти анъаналарига таянади, қолаверса поэтик нутқда ихчамликка интилиш ҳам адиб асарлари композициясининг муҳим белгисидир.

Тўринчи боб «**Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари**» асарида инсонпарварлик тамойиллари» деб номланган. Бобнинг биринчи фаслида «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» тўпламига кирган ҳикоялар мазмунига сингдирилган буддавийлик ва даосийлик мотивлари ўрганиб чиқилди.

Маълумки, конфуцийлик ва даосийлик азалдан мавжуд бўлиб, буддавийлик улардан анча кейин юзага келди. Буддавийлик таълимоти муайян даражада Конфуцийнинг ахлоқий тамойилларига (оиланинг ўрни, императорга сиғиниш) ва даос руҳий даволаш усулларига (умрбоқийлик ақидаларини рўёбга чиқариш) зид эди. Буддизм жазо назариясини (карма қонуни) ва трансцендентал ҳолат (нирвана)га эришиш ҳақидаги таълимотни ривожлантириши билан ўзига хослик касб этади. «Конфуцийчилик инсонларнинг ижтимоий хулқ-атвор қоидаларини, уларнинг ижтимоий вазифаси, жамиятни одилона ва инсоний асосларда ташкил этиш билан боғлиқ ғояларни ишлаб чиққан бўлса, даосийлик табиатга ва буддавийлик – покланиш ва фориғланишга чақиради»<sup>54</sup>. Хитой адабиётшунослиги қадимдан Конфуций асарлари асосида шаклланиб келган бўлса, кейинчалик кўпгина асарлар буддавийлик ғоялари билан суғорилган эди.

Будда ибодатхоналари илк Танг даврида ҳам кенгайиб борди. Уларга императорлар улкан мулклар, ер майдонлари ажратиб берди. Бунинг устига, конфуцийлик Суй даврида бўлгани каби империя ҳукуматининг расмий мафкураси, конфуцийлик матнлари эса расмий имтиҳонлар топширувчи номзодлар учун асосий манба бўлиб қолди. Буддавийлик Хитойда илк Танг даврида жуда юксалди ва кўп йиллар асосий дин бўлиб қолди.

Буддавийлик хитой адабиётига янги услублар, янги бадий тушунчалар ва янги тақдирларни олиб кирди. Бу ҳол адабий тур ва жанрларни шаклий-

<sup>54</sup>Сайдазимова У. XVII–XVIII асрлар корейс насрининг маънавий-эстетик концепциялари: филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б.16.

мазмуний ўзгартирди. Буддавийлик шакл жиҳатидан оддий шеърият ва оммабоп адабиётлар (шу жумладан, шахар адабиёти, машҳур романлар, опералар ва ҳ.к.) яратилишига бевосита таъсир этди. Мазмунан эса одамларни беқарорлик ва бўшлиқдан қутқаришга ёрдам берди. Хитой адабиётида мавжуд «буддавий адабиёти» тушунчаси (佛教文学) асосан буддавийликнинг ривожланиши натижасида юзага келган адабий асарларга ишора қилади.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар адабий муҳитга ўз таъсирини ўтказиши табиий. Пу Сунглинг ҳикояларида ҳам даосийлик ва буддавийлик таълимоти ғояларининг бадиий синтези сезилади. Пу Сунглинг «Лаошанлик роҳиб» («劳山道士») <sup>55</sup> ҳикоясида ўлмас ва абадий оила билан боғлиқ тушунчаларни муҳокама қилади. Ҳикоя қаҳрамони Ван Шенг абадий яшаш сирини билишни умид қилиб, узоқ сафарларга боради, унинг асл мақсади бу дунёдаги бахтига интилиш эди. Адиб Конфуцийнинг ҳаётдаги барча нарсаларга, айниқса, одамларга муҳаббат ҳақидаги фикрини, шунингдек, буддавийликдаги раҳмдиллик ва эркин бўлиш ғоясини ўз асарлари мазмунига сингдирди.

Ляо Жай ҳикояларида яққол буддавий, даосийлик ёки конфуцийлик маросимларининг турли кўринишларига тўғридан-тўғри таяниш ҳолатлари учрайди. Унинг асарларида даос ва будда таълимоти анъаналарига тенг муурожаат қилинади. Ҳикоялардаги даос роҳиблари билан кечган воқеалар баёнида у «руҳоний», яъни «道» ёки «道士» атамаларини, будда роҳиблари баёнида «роҳиб» «僧» ёки «僧术» атамаларини қўллайди. Таҳлилларга кўра, йигирмага яқин ҳикоя сарлавҳасида диний эътиқод билан боғлиқ атамалар қўлланади.

Пу Сунглингнинг «Лаошанлик роҳиб» (劳山道士), «Тўртинчи Ху опа» (胡四姐), «Бай Чиулян» (白秋练), «Нок эқмоқ» (种梨) каби ҳикоялари ушбу фаслда қўйилган муаммо асосида тадқиқ қилинди. Аслида, ёзувчи ҳикояларида донишманд, зоҳид, балиқчи образлари (булар даосийликда донишмандлик рамзи), саёхатчи образлари (беҳуда дунёдан қочиб қутулиш ва ҳақиқатни англаш рамзи), чавандоз (Лао Цининг образи), ўтинчи (нарсаларнинг яширин моҳиятини англаш қобилиятининг рамзи), деҳқон (даос ижтимоий -утопик идеал), кулба (зоҳиднинг қароргоҳи), тоғдаги қишлоқ (даос ижтимоий-утопик идеал), айвонча (табиатнинг гўзаллиги ҳақида мулоҳаза юритиш ва ўйлаш учун жой), кўприк (оддий дунёдан муқаддас дунёга ўтиш рамзи) ва бошқа қатор рамзий образлар учрайди. «Осмондан тушган пуллар (Пул ёмғири)» (雨钱)<sup>56</sup> ҳикоясидаги роҳибнинг Сюцай (秀才)<sup>57</sup> га қилган яхшиликлари, кўрсатган мўъжизаси, бу талабанинг маърифатга даъвати ёзувчи томонидан баён этилади.

«老翁生气地说: »我和你只作文字朋友, 不打算替你作贼! 如要满你的意, 你就该去找盗贼交朋友, 老夫不能从命! »接着就一甩袖子走了。

<sup>55</sup> Асосий манба, 25-бет.

<sup>56</sup> Асосий манба, 359-бет.

<sup>57</sup> Минг ва Чинг сулолалари даврида императорлик имтиҳонларининг энг паст даражаларидан бири. Бу даражани эгаллаган одамлар вилоятлар ва туманлардаги мактабларга боришлари мумкин бўлган.

*«Чол газаб билан: «Сен ва мен фақат илм йўлида дўстлашган эдик, мен сен учун ўзри бўлмайман! Агар шуни истасанг, нопок одам топиб дўстлашгин, мен бундайлар билан дўст бўлмайман! – дея енгларини бир силтаб, чиқиб кетди».* Мазкур матн панд-насихатдан ташқари, ёзувчи қариянинг будда роҳиби эканини билдирувчи бир неча рамзий белгилар мавжуд.

Бобнинг кейинги фаслида Пу Сунглинг асарларида жамият ва инсон ўртасидаги муносабат масалалари муҳокамага тортилди. Адибнинг ҳар бир асари бутун оламга, борлиққа нисбатан универсал қарашнинг бир қисми бўлгани ҳолда, бу борадаги мулоҳазаларни тўлдириш ва бойитишни талаб қилади. Пу Сунглинг «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари»да оилавий анъана ва қадриятлар, ижтимоий анъаналар ва бидъатлар, амалдорлар, қозилар ҳамда роҳиблар образлари орқали ўзининг мавжуд жамиятга муносабатини билдиради.

«Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» асари мазмунидан келиб чиқиб, инсон ва жамият мавзуларида қуйидаги ҳолат кузатилади: 1. Жамиятдаги иллатларга қарши ёзилган ҳикоялар (порахўрлик, фоҳишабозлик, бюрократизм, кучли цензура, адолатсизлик); 2. Оилавий муносабатлар ва муаммоларга бағишланган ҳикоялар (турмуш қуриш, рашк, турмуш ўртоғига хиёнат, оилани таъминламаслик, ажралишлар, қайнона-келин муносабатлари); 3. Император имтиҳон тизимининг танқиди (имтиҳоннинг қийинлиги, таниш-билишчилик ҳолатлари, имтиҳон олувчиларнинг билимсизлиги); 4. Инсон касб-кори билан боғлиқ ҳикоялар (талаба, ўтинчи, табиб, ҳарбий, деҳқон, хунарманд, тикувчи); 5. Миллий қадриятлар (оилавий анъаналар, тўй, туғилиш ва исм қўйиш маросимлари, байрамлар, иримлар).

Пу Сунглингнинг ўз асарларига қаҳрамонлар танлашдаги изчиллиги қуйидагиларда кузатиладиди. Барча образлар, одатда, жамиятнинг қуйи табақа вакиллари – камбағаллар ва деҳқонлар, шунингдек, бошқа табақаларнинг камбағаллашган вакиллари дидир. XVII – XVIII асрларда оддий халқ ҳаёти, турмушдаги анъаналарни эътироф этиш ва ушбу йўналишда соддалаштирилган, оддий сўзлашув нутқига яқинлаштирилган сўзлардан фойдаланиш анъанаси кучайди ва кенгайиб борди. Адибнинг «Йинг Нинг», «А Сиу», «А Бао», «Чинг Фенг», «Бай Чюлян» каби ҳикояларида асосий қаҳрамонлар қизлар бўлиб, уларнинг тақдирини кўрсатиш орқали адиб аёлларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнига эътиборни қаратади. Зикр этилган ҳикоялардаги бош қаҳрамонлар табиатида хитой жамиятига хос уятчанлик, ҳаё, эрга вафодорлик, оилага садоқат, катталарга ҳурмат, меҳнатсеварлик каби жиҳатлар мужассам. Ота-онага нисбатан фарзанднинг ҳурмат-эҳтироми, меҳр-муҳаббати бутун инсониятга хос миллий маънавиятни белгиловчи инсонпарварликнинг асоси, негизи сифатида баҳоланади. Пу Сунглинг ўз асарларида инсон ва жамият ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва шахсий-маиший муносабатларни теран ҳамда ноанъанавий тарзда тасвирлади. Жамиятда юз бераётган ғайриқонуний ҳолатлар, порахўрлик, маълум бир мансаб йўлида топшириладиган имтиҳонлардаги ноҳақликларни танқид қилди. Хитойдаги қадим анъаналарни, оилавий муносабатлардаги ҳурмат-эҳтиромни қадрлади. Энг муҳими, адиб ижтимоий ҳаётдаги инсоннинг саодатли турмуш тарзини

таъминлашда конфуцийлик, даосийлик ва буддавийлик таълимотлари негизидаги умуминсоний тушунчалар жуда муҳим аҳамият касб этишига урғу берди.

Бобнинг охирги фасли «**Адиб ҳикояларида анъанавий қадриятлар ва новаторлик масаласи**» деб номланади. Маълумки, ҳар бир халқ адабиётида қадимдан келаётган адабий анъаналар мавжуд. Шу анъаналарнинг моҳият эътиборидан узоқлашмаган ҳолда янгилашиш, поэтик тафаккур ва тасвир тамойилларидаги ўзгаришлар новаторлик тушунчасини англатади. Пу Сунглинг ҳикояларидаги диалогларда ўша образнинг феъл-атвори, яшаш жойининг қонуниятларини ва қадриятларини ҳам алоҳида тасвирлайди. Масалан «Хурлиқо Мэй» («梅女»)<sup>58</sup> ҳикоясида гўзал Мэйнинг сўзлари бор: «若此之为, 则生前之垢, 西江不可濯矣» «*Бу мени бир умрлик уятга қўяди, кейин ҳатто бу уятни Сижюанг дарёсига тушиб ҳам ювиб, тозалаб бўлмайди*».

Юқоридаги жумлада ўша даврда қизлар тарбиясидаги алоҳида жиҳатларга эътибор қаратиляпти, шу билан бирга унда хитой жамиятида «уят» ҳисобланган ишларни қилмасликка даъват қулатилади.

Пу Сунглинг хитой адабиёти тарихида мавжуд анъаналарни янгилаган новатор ёзувчи ўлароқ тилга олинади. Зеро, «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари»да одамлар ва руҳлар учрашадиган кўпгина сахналар мавжудки, уларда миллий анъаналар ва новаторлик ифодасига хос майда тафсилотлар ёрқин рангларда тасвирланади. Ёзувчи ҳикояларида одамлар ва арвоҳлар қоп-қора зулмат бағрида учрашса ҳам, ўқувчилар одамлар ҳаётидаги баҳорий шамолдан баҳраманд бўладилар.

«Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари»да Пу Сунглинг ундан аввал ёзилган асарларга, бошқа ёзувчилар ва воқеаларга ҳавола қилмаслик йўлидан боради. Баъзан эса адабий анъанага амал қилади. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, ёзувчининг биз тадқиқ этаётган «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» тўплами, адабий анъана ва новаторликни ўзида мужассам этган дурдона асарларнинг намунаси саналади. «Бинобарин, анъана ва новаторлик орасида мантикий алоқа бор. Уларни бир-биридан ажратиб ҳам, тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Биз учун анъана ҳисобланадиган кўп ғоя ва майллар ўз вақтида янгилик ҳисобланган»<sup>59</sup>. Пу Сунглингнинг новаторлиги шундаки, у сатира орқали ўз асарларида давр ижтимоий муҳити устидан қулади. Новаторлигининг яна бир жиҳати шуки, у замондош шоир ва ёзувчилардан фарқли равишда, «нозик киноялар» сингдирилган сюжет билан яхлит асарга ўзгача жозиба берган, ўқувчига таъсирини оширган ва жамиятдаги иллатлардан халос бўлиш йўллари кўрсатган. Пу Сунглинг асарлари жамиятнинг диний-этиқодий тушунчаларини ўз моҳиятига сингдирди. Инсон ва жамият муносабати хусусидаги адабий талқинларида ёзувчи ижтимоий иллатларни танқид қилиш, табиатан тубан кимсаларни истехзо ва киноя билан ҳажв этиш усулидан кенг фойдаланди. Ёзувчи турли хил ғайриоддий воқеалар ёки ҳодисаларни тасвирлашдан ташқари, яхши фазилатлар мукофотланадиган

<sup>58</sup> Асосий манба, 620-бет.

<sup>59</sup> Абдуллаев О. Адабий анъана // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/adabiy-anana-uz/>

ва ёмон иллатлар жазоланадиган утопик тушлар дунёсини ҳам яратди; у ерда эркаклар ва аёллар эркин мулоқот қилишлари ва жуда яхши дўст бўлишлари мумкин эди; дўстлик дунёнинг чекловларини енгиб чиқиши мумкин эди; уйдан узоқда бўлган ёлғиз олимлар, савдогарлар ёки расмийларга тунда кўпинча уларни яхши тушунадиган ва уларга ёрдам бериш учун ғайритабиий кучларга эга гўзал руҳлар ёки арвоҳ қизлар ташриф буюрадилар.

Тадқиқотда Пу Сунглинг асарларидаги анъана ва новаторлик тушунчалари адиб ғоясига боғлаб талқин қилиш билан бирга, асарлари сюжетидаги ўзига хослик, ахлоқий тушунча ва инсоний фазилатлар масалаларига ҳам урғу берилди.

## ХУЛОСА

Пу Сунглинг насрий асарлари поэтикасини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Қадимги хитой насри кўп ҳолларда бошқа шарқ халқлари насридан ихчамлиги билан ажралиб туради. Хан сулоласи ҳукмронлигидан кейинги давр насри кўпроқ тавсифий тамойилларга мойил эди. Вақт ўтиши билан у тобора такомиллашиб борди. Айниқса, Хитойнинг жанубий қисмидаги иқтидорли ёзувчилар ижодига айна адабий хусусият хос.

2. Хан ва ундан кейинги сулолалар даврида илмий-оммабоп адабиётнинг асосий шакли тарихий асарлар бўлиб, улар таркибида ҳар доим насрий асарлар энг эътиборга молик ўринни эгаллаган. Инчунун, аввалги сулолалар даврида яратилган асарлар кўпинча сарой ҳомийлигида майдонга келган эди.

3. Илмий-оммабоп адабиётнинг яна бир жанри буддавий ва даос авлиёларнинг ҳаёт солномаси ҳисобланади. Улардан баъзилари адабий талқин учун асос бўлган, албатта. Айни дамда бадиий асарларга муносабат билдирган адабий танқидий манбалар жанубий Хитойда Хан сулоласи ҳукмронлигидан кейинги даврларда пайдо бўла бошлаган ва улар ҳам хитой илмий-оммабоп адабиётининг муҳим таркибий қисмига айланган.

4. Хан сулоласидан кейинги давр адабиёти Хан давридан *ши* (қисқа ва жуда интизомли) ва *фу* (узунроқ, дабдабали, фасоҳатли) жанрларини мерос қилиб олган. Адабий муҳитдаги муҳим хусусиятлардан бири ўлароқ, бу даврда шеърят янада эркин ва вазн жиҳатдан тус олган. Жанубдаги бўлиниш даврининг ўзига хос хусусиятларига жавобан, «тартибга солинадиган ши» шакли, яъни ши услубидаги адабий дурдоналар пайдо бўла бошлаган, шеър вазни ва қофияга талаб қатъийлашиб борган.

5. Чинг императорлари ўзларини санъат аҳлига, хусусан, рассом ва ёзувчиларга ҳомий ҳисоблаган. Айниқса, император Канси Хитойдаги барча асарлар ва манбаларни тўплашга катта ҳисса қўшган.

6. XVII–XVIII асрларда хитойлик мутафаккир ва файласуфлар замонавий ва услубга зид мумтоз конфуцийлик асарларини танқид қилган. Сунг ва Минг даврларида конфуцийлик асарларига янгича қараш ва талқин қилишлар кузатилди. Минг авторитаризмининг танқид қилиниши, Чинг сулоласи янги ҳукмдорларининг қонунийлигига шубҳа билан қарашга олиб келган.

Конфуцийлик тарафдорлари ҳаётида чуқур ўзгаришларга олиб келган тафаккур мактаби XVII асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган.

7. Пу Сунглинг насрий асарлари поэтикаси ҳар бир асарнинг бадиий ғояси, сюжети ва композицияси билан бирга, ёзувчи ижод қилган адабий муҳит ҳамда муаллиф дунёқарашига ҳам боғлиқ.

8. «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» бир неча юз йилдан буён хитой халқининг маънавий-ахлоқий оламига, жаҳон халқлари адабиётига ўз таъсирини ўтказиб келади. Мазкур асар хитойлик ёзувчилар асарлари орасида дунёга машҳурлиги йигирмадан ортиқ тилга таржима қилинганлигида намоён бўлади. Асарда хитой давлати мафкураси ва халқининг бадиий-рамзий тафаккури акс эттирилган.

9. «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» хитой адабиётида кичик эпик жанрда асар ёзиш анъанасини ривожлантиришга сабаб бўлган. Асарлар ўтса ҳам айна асар ўз қадр-қиймати ва жозибасини йўқотмаган. Пу Сунглиннинг мазкур асари хитой адабиётидаги кейинги даврларда яратилган эпик асарларининг шаклланишида ва китобхонларга ҳақиқий мўъжизалар, ғаройиботлар оламига саёҳат учун манба бўлиб хизмат қилган.

10. Ляо Жай ҳикояларининг энг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг ҳар жиҳатдан хилма-хиллигидир. Тўпламдаги ҳикоялар жанр, мавзу, асосий образлари ва сюжет воқеалари ривожига кўра бир-биридан фарқ қилади. 497 та ҳикоя муҳаббат, руҳлар, даҳшатли воқеалар ва табиат ҳодисалари тасвири каби турларга бўлинади. Ҳикоя ҳажмига кўра 35та хитойча иероглифдан («Алвон рангли ёзувлар») то 6700та хитойча иероглифгача («Йинг Нинг», «Бай Чуялян») бўлганлари аниқланди.

11. Пу Сунглинг бадиий услубида воқеликни қисқа ва лўнда баён этиш асосий ўринда туради. Ҳикоя ичида ҳаракатланадиган қаҳрамонларга ортиқча тавсиф берилмайди. Шу билан бирга, воқеалар замон ва макон эътиборидан жуда қисқа вақтда бўлиб ўтади, аммо хитой халқи турмуш тарзининг энг муҳим қирраларини қамраб олган.

12. «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари»ни романтик асарлар сирасига киритиш мумкин. Унинг романтик руҳи, аввало, ижобий образларни тавсифлашда, айниқса, гул, маъбуда ва париваш тулкилар тасвирларида акс этган. Асардаги барча образлар маҳорат билан тасвирланган.

13. «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари» тўпламидаги бадиий тасвир воситалари таҳлили шуни кўрсатадики, ёзувчи эпитетлар, ўхшатишлар, муболағалар, метафоралар, рамзий исм ва хитой маданиятига хос реалиялардан унумли фойдаланган. Шунингдек, Пу Сунглинг ўз асарларида кенг образли тасвир ёки ортиқча фалсафий мулоҳазалардан тийилган. Унинг баён услуби зиёлиларга ҳам, ўз замондошларига ҳам, ҳозирги китобхонларга ҳам тушунарлилиги билан ажралиб туради.

14. Ёзувчи асарларини ўша давр анъанасига кўра «веньян»да битган бўлса ҳам, уларнинг «байхуа»га ўгирилган матнлари ҳозир ҳам халқ орасида катта қизиқиш билан мутолаа қилинади. Пу Сунглинг ўз асарлари билан қадимий ва

замонавий хитой тилларини бирлаштирган, турли адабий усулларнинг кучли томонларини ўрганиб, ўз ижод мактабини яратган.

15. «Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари»да одамлар ва арвоҳлар муҳаббати кўп учрайди. Бундай сеҳрли асарлардаги воқелик сюжети баёнида айрим ҳаётий тафсилотлар ва сатирик унсурларни ёзувчи ўринли қўллаган. Бу тарз поэтик усул ҳикояларнинг таъсирчанлигини оширган ва янада мазмундор қилган.

16. Пу Сунглинг насрий асарларининг умуминсоний мазмун-моҳияти бетакрор поэтик тасвири ва услубий ўзига хослиги билан китобхонлар диққат-эътиборини асарлар бўйи ўзига жалб этиб келган. Адиб асарлари ёрдамида хитой адабиётини англаш янада осонлашади, асарларини таржима қилиш ҳамда уларни мутолаа қилишга тобора қизиқиш ортиб боради. Пу Сунглинг ижодини ўрганиш ва асарларини таржима қилиш орқали келажак авлод хитой адабиётининг ўзига хос томонларини ўзлаштиради.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**ЗИЯМУХАМЕДОВ ЖАСУР ТАШПУЛАТОВИЧ**

**ПОЭТИКА ПРОЗЫ ПУ СУНЛИНА**

**10.00.05 – Языки и литература народов Азии и Африки**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2021.4.DSc/Fil342.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете востоковедения.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета [www.tsuos.uz](http://www.tsuos.uz) и Информационно-образовательном портале [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

**Научный руководитель:** **Мухтаров Тимур Аскадович**  
доктор филологических наук

**Официальные оппоненты:** **Мухибова Ульпатхон Учқуновна**  
доктор филологических наук, профессор

**Каримов Баходир Нурметович**  
доктор филологических наук, профессор

**Насирова Саодат Абдуллаевна**  
доктор филологических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Узбекский государственный университет мировых языков**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil/Tag.21.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном университете востоковедения Узбекистана по адресу: 100047, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21, факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета востоковедения (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.

(Протокол реестра рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.)

**А.М.Маннонов**

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук, профессор

**Р.А.Алимухамедов**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук

**Б.Тухлиев**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора науки (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Все изменения и новшества в общественной жизни народов мира, получая отражение в литературе через искусство слова, не только привлекают внимание читателя, но и оказывают огромное влияние на идеологию и духовность этого общества. Произведения китайской литературы, являя собой художественное осмысление общечеловеческих идей, высоких духовных и просветительских концепций, прекрасных нравственных качеств, занимают достойное место в культурном наследии человечества. В истории средневековой китайской литературы наблюдались качественные изменения не только в идеях и концепциях, но и в отражении человека как главного субъекта действительности, совершенствовании средств художественной выразительности, формировании новых жанров и переплетении сюжетных линий. В современном китаеведении наметилась тенденция выявления творческого и поэтического своеобразия, оригинальности стилей талантливых писателей средневековой китайской литературы.

В мировом литературоведении особое значение приобретает изучение поэтики шестнадцатитомного прозаического произведения «Рассказы Ляо Чжая о чудесах» (聊斋志异) в литературном наследии известного представителя китайской литературы Пу Сунлина (蒲松齡, 1640-1715)<sup>1</sup>. Кроме того, изучение жанрового своеобразия, языковых особенностей произведения и духовно-эстетических воззрений автора послужит также открытию новой страницы средневековой китайской литературы. Талантливый писатель является основателем жанра волшебной новеллы и создателем новшества в написании художественных произведений на основе фольклорных мотивов. Многочисленные переводы сборника «Рассказы Ляо Чжая о чудесах» на английский, французский, немецкий, итальянский, испанский, датский, чешский, греческий, польский, венгерский, ирландский, латышский, узбекский, таджикский, киргизский, русский, украинский, японский, корейский, вьетнамский и монгольский языки свидетельствуют о его огромной популярности. Великий лидер КНР и духовный отец китайского народа – Мао Цзэдун, высоко оценивая творчество Пу Сунлина, отмечает его как «хорошо написанное и подлежащее чтению произведение»<sup>2</sup>. Изучение творчества этого писателя дает возможность, прежде всего, раскрыть представления о средневековой литературной среде Китая, а также об общественной жизни, культуре и чаяниях китайского народа.

В последние годы в Узбекистане проделана значительная работа по переводу шедевров мировой литературы на узбекский язык и доведению их до

---

<sup>1</sup> Различные варианты написания имени писателя связаны с вариантами передачи китайскими иероглифами: в китайском традиционном языке оно передается как 蒲松齡, упрощенный вариант – 蒲松龄, а на пиньинь – как Pú Sōnglíng. В русскоязычной китаистике у различных исследователей существует несколько написаний его имени: Пу Сунлин, Пу Сун-Лин или Пу Сун-лин. В русском переводе мы будем придерживаться наиболее распространенного варианта написания имени этого писателя – Пу Сунлин.

<sup>2</sup> <http://m.gzxijiya.com/zy011697726443343271247.html>

широких масс. Определены приоритетные задачи по «разработке конкретных механизмов государственного заказа по переводу на узбекский язык лучших произведений мировой литературы, налаживанию системы финансирования и качественного их издания необходимыми тиражами, дальнейшему развитию системы распространения книжной продукции, формированию цен на нее и реализации»<sup>3</sup>. За последние годы с восточных языков на узбекский язык были переведены многие произведения. В частности, некоторые произведения известных представителей китайской литературы стали переводиться на узбекский язык, что дало возможность узбекским читателям познакомиться с бесценными образцами китайской литературы. Поскольку жизнь и творчество Пу Сунлина совпали со сложными, противоречивыми периодами истории китайской литературы, именно комплексное исследование мастерства писателя и выбранных им путей внесения ясности в общетеоретических проблемах, такие как «художественное произведение и реальность», «творческая личность и общество», «общественная жизнь и поэтическое мастерство», определяют актуальность темы данного исследования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, отраженных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», Постановлении № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», Постановлении № ПП-3151 от 27 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием», Постановлении № ПП-3271 от 13 сентября 2017 года «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения», Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4680 от 16 апреля 2020 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы подготовки кадров и повышению научного потенциала в области востоковедения», Постановлении Кабинета Министров Республики № 376 от 18 мая 2018 года «О мерах по совершенствованию системы издания и перевода лучших примеров мировой литературы на узбекский язык, а шедевры узбекской литературы на иностранные языки», Постановлении Кабинета Министров Республики № 75 от 10 февраля 2020 года «О дополнительных мерах по организации деятельности центра исследований развития высшего образования и внедрения передовых технологий при Министерстве высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики

---

<sup>3</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» № ПП-3271 от 13 сентября 2017 года. (<https://lex.uz/docs/3338596?otherlang=3>)

Узбекистан I. «Формирование системы инновационных идей по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-нравственному развитию информационного общества и демократического государства и пути их осуществления».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации**<sup>4</sup>. Научные исследования, направленные на изучение прозаических произведений в китайской классической литературе и их поэтики, в частности, изучение литературы периода Цин, жизни и творчества Пу Сунлина проводятся в ряде ведущих научных центров и университетов мира, в частности, в Пекинском университете КНР (北京大学), Педагогическом университете Дунбэй (东北师范大学), в «Центре исследования китайского романа и изучения Ляо Чжэя» при факультете литературы университета Шандун (山东大学文学学院的«聊斋学与中国小说研究中心»), университете Наньцзин (南京大学), Шанхайском университете (上海大学), Шанхайском университете иностранных языков (上海外国语大学), Институте литературы и информации Сичуаньского университета (四川大学文学与新闻学院), Университете Висконсина (США), Санкт-Петербургском государственном университете, Казанском федеральном университете, Институте Востоковедения при Российской Академии наук, Институте стран Азии и Африки при Московском государственном университете, Институте востоковедения Дальневосточного федерального университета региональных и международных исследований (Российская Федерация), Казахском национальном университете (Республика Казахстан), Самаркандском институте иностранных языков, Ташкентском государственном университете востоковедения (Республика Узбекистан).

По результатам исследований в мировом литературоведении, направленных на изучение китайской литературы периода Цин, был достигнут ряд научных достижений, в частности: раскрыты жанровые особенности прозаических произведений периода Цин (清代文学小说) в средневековой литературе (КНР, Пекинский университет и педагогический институт Дунбэй); обоснованы сюжет и структура жанра средневековых новелл и рассказов, своеобразие персонажей и их индивидуальные особенности с точки зрения отношения к действительности (Наньцзинский и Шанхайский университеты иностранных языков); освещены процессы, происходившие в китайской

<sup>4</sup> Хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи куйидаги интернет-захира манбалари асосида тайёрланган:  
<http://www.ziyouet.uz/>, <http://www.dissercat.com/>, <http://www.scopus.com/>, <https://ru.wikipedia.org/>,  
<https://tashguv.uz/>, <http://vokrugsveta.ru/>, <http://www.mifolog.ru/>, <https://www.pku.edu.cn/>,  
<https://www.liuhua.org.my/university/northeast-normal-university.html>, <http://www.shisu.edu.cn/>,  
<https://lj.scu.edu.cn/xzgl/xyxw/14.htm>, [www.runivers.ru/lib/book6200](http://www.runivers.ru/lib/book6200), <http://www.pku.edu.cn>,  
<http://www.bfsu.edu.cn>, <http://www.fudan.edu.cn>, <http://www.shu.edu.cn>, <http://www.shnu.edu.cn>,  
<http://www.ivran.ru>, <http://www.spbu.ru>, <https://www.wisc.edu/visit/>, <http://www.vumo.mil.ru>,  
<http://www.samdhti.uz>, <http://www.tsuos.uz>, <http://www.linguistics-journal.com>>a-c, <http://www.casseng.csn.cn>,  
<http://www.chinese-learning.cn> <https://www.dvfu.ru/>.

